Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

18 март 1972 йил, шанба ✦ № 65 (15.236). ✦ Баҳоси 2 тийин.

СУРХОН БАҲОРИ

Эгиз қўзилар

«Коммунизм» совхозининг моҳир чорвадорлари қўзилатиш кампаниясини пухта ҳозирлик ва катта сафарбарлик билан қарши олдилар. Совхоз фермаларида қўзилатиш кампанияси қизғин тус олди. Жуманазар Боймурзаев бошлиқ 3-бўлимда бу иш айниқса яхши ташкил этилди.

Республикада хизмат кўрсатган чорвадор унвонига сазовор бўлган бош чўпон Тўхтамурод Қулматов ўз боқимидаги ҳар 100 бош совлиқдан 203 бош соғлом қўзи олиш мажбуриятини олган эди. Бунинг сўзи билан иши ўртасида ҳеч қандай тафовут бўлмайди. Ҳозиргача унинг боқимидаги 85 совлиқдан 174 қўзи олинди.

Бойсун районидаги «Сайроб» совхозининг чўпон-чўлиқлари ҳам бу йил ҳар юз бош совлиқдан 142 бошдан қўзи олиш учун курашяптилар. Совхознинг 1-бўлимидаги Бобохон Жумаев бош чўпон бўлган отардаги 500 бош совлиқдан ҳозиргача 150 совлиқ қўзилади. Улардан 47 боши эгиз. 5 боши учтадан қўзилади.

Совхознинг 2-фермасидаги Б. Бобоқулов бош чўпонлик қилаётган отарда ҳам қўзилаган ҳар 100 бош совлиқ ҳисобига 145—150 тадан қўзи тўғри келяпти.

Маккажўхори экиш бошланди

Гагарин районидаги «Комсомолобод» совхозининг ишчилари маккажўхори ва озуқабоп лавлаги экишни чўлқуварлар орасида биринчи бўлиб бошладилар. Совхоз чорвадорлари бу йил энг унумдор ерлардан 40 гектарини маккажўхори ва лавлаги экишга ажратдилар. Суғориладиган майдоннинг ҳар гектаридан унумли фойдаланиш мақсадида бу экинлар аралаштириб жойлаштирилмоқда.

Совхоз ишчилари ҳар гектар майдондан 500 центнердан силосбоп маккажўхори поясини, 300 центнердан озуқабоп лавлаги етиштириш мажбуриятини олдилар.

Эртаги сабзавотлар

Райондаги ихтисослаштирилган «Ленин йўли» сабзавотчилик совхозининг ишчилари эртаги нарам кўчатларини парникдан олиб, очиқ далаларга экишни оммавий бошлаб юбордилар. Улар нейнги беш кунда саккиз гектар майдонга беш ниҳолларни ўтқаздилар. Бу ерда кўкпиёз, редиска, укроп, петрушка ва бошқа эртаги сабзавотлар барқ уриб ўсмоқда. Яна бир ҳафта, ўн кундан сўнг бу сабзавотлар меҳнаткашлар дастурхонини безайди.

Совхоз парникларида етиштирилган эртаги помидор кўчатларини очиқ далаларга ўтқазиш, устини полиэтилен плёнкалари билан қоплаб қўйиш жадал суръатлар билан бошлаб юборилди. Термиз районидаги Жданов номли, «Намуна», «Октябрь 49 йиллиги» колхозларида ҳам эртаги сабзавот экиш қизғин тус олиб кетди.

Чорвадорлар ютуғи

«Ҳазорбоғ» совхозининг чўчқабоқарлари йил бошидан бери 1200 бошдан зиёд чўчқани семиртириб гўштга топширдилар. Бўрдоқига боқилган ҳар бир бош чўчқанинг ўртача тирик вазни 139 килограммни ташкил этди. Сўқимга боқилиб, гўштга топширилган 68 бош корамолнинг тирик вазни ҳам нормадан анча эшиқ бўлди. Шундай қилиб, совхоз бўрдоқибоқарлари икки крим ойда давлатга семиз ва арзон гўшт сотиш бўйича белгиланган тўқиз ойлик планни ошириб бажардилар. Бу йил гўшт етиштиришнинг таннархи ҳам ўтган йилдагидан анча арзон бўлди.

Совхоз чорвадорлари давлатга гўшт сотиш йиллик планини 15 апрелгача бажариш мажбуриятини олдилар. Бунинг учун яна 300 бош чўчқа ва 22 бош қорамол бўрдоқига боқиляпти.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЖАНГОВАР ТАНҚИДЧИЛИК УЧУН

КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадиий танқидчилик ҳақида» яқинда қабул қилган қарори бутун ижодий интеллигенциямиз диққат марказида турибди. Чинакам ленинча ғамхўрлик руҳи билан суғорилган бу муҳим ҳужжат партия XXIV съездининг совет адабиёти, санъати ва маданиятини янада ривожлантиришга қаратилган кўрсатмаларининг изчил давоми, конкрет ифодаси бўлиб, санъаткорлар олдида кенг уфқлар очади.

Қарорда адабий-бадиий танқидчилик коммунистик идеологиямизнинг жанговар, курашчан соҳаларидан бири эканлиги, унинг адабиёт ва санъатда партия линиясини ўтказишга сафарбар этилганлиги, буржуа мафкураси, ғоявий мухолифларимиз хуружларига қаршн актив ҳужумкорлик билан иш олиб бориши алоҳида таъкидланади. Дарҳақиқат, партия ғоявий жабҳанинг бу илғор, жанговар отрядига катта эътибор бераётганлиги бежиз эмас.

Республикамизда адабий-бадиий танқидчилик соҳасида салмоқли ютуқларга эришилди. Ўзбек совет адабиёти ва санъати босиб ўтган бой, мураккаб йўлни татбиқ этувчи монографиялар, алоҳида ёзувчи ва санъаткорлар ижодига бағишланган тадқиқот ва рисолалар, социалистик реализм ғалабасини ўзбек санъати мисолида акс эттирувчи, маданий меросни марксча-ленинча нуқтаи назардан ёритувчи кўпгина асарлар нашр этилди. Республика ёзувчиларининг танқидчилик проблемаларига бағишланган пленуми, театр жамияти томонидан уюштирилган танқидчилар йиғилиши, ёш ижодкорларнинг яқинда чақирилган семинар кенгаши, Ўзбекистон композиторларининг пленуми каби анжуманлар ҳам ижодий ишларнинг янада равнақ топишида муҳим роль ўйнайди. Бу Ўзбекистон партия ташкилотлари ижодий союзлар ва ижодкорлар ишига эътибор билан муносабатда бўлаётганлигининг далилидир.

Бизда танқидчилик ва адабиётшунослик маҳоратини чуқур эгаллаган, ҳаётни ҳамда адабиёт ва санъат асарларини бир-бири билан чамбарчас боғлаб, ҳаққоний таҳлил этишга қодир, санъатимизнинг ғоявий-бадиий баркамоллиги учун жонбозлик кўрсатувчи танқидчи кадрлар оз эмас. Ёш танқидчилар сафи ҳам кенгаймоқда. Газеталар ва журналлар саҳифаларида қизиқарли, эҳтирос билан ёзилган, ижодий бахс уйғатувчи, адабиёт ва санъатнинг энг яхши асарларини тарғиб қилишга қаратилган мақолалар, тақризлар эълон қилиняпти. Уларда замонавийлик ва бош қаҳрамон, партиявийлик ва халқчиллик, услуб ва бадиий воситалар ранг-баранглиги каби масалалар устида фойдали, жиддий фикрлар баён қилинади.

Бу муваффақиятлар албатта ҳаммамизни хурсанд қилади. Бироқ КПСС Марказий Комитетининг мазкур қароридан келиб чиқиб танқидчилик «хўжалигимиз»нинг умумий аҳволини кўздан кечирсак ҳали талай камчиликлар борлиги яна ҳам аниқ кўринади.

Адабиёт ва санъатни янада ривожлантириш иши танқидчилик зиммасига катта масъулият юклайди. Танқидчи — бу ижодий жараённи четдан кузатувчи, асардан олган таассуротини ўртоқлашиш билан кифояланувчи киши эмас. Танқидчи, бу санъаткор қалбига эга бўлган, чинакам ижодкор даражасида ҳаётни биладиган, инсон руҳий оламини маҳорат билан тадқиқ этишга қодир, жўшқин ва эҳтиросли қалб ва қалам соҳибидир. У даврнинг илғор дунёқараши — марксизм-ленинизм билимлари билан қуролланган, эстетик диди баланд, ҳам адабиёт ва санъат, ҳам китобхон ва томошабин манфаатларини уйғунлаштириб фикр юритувчи идеология жангчисидир. Буюк рус танқидчилари Белинский ва Добролюбов, шунингдек, Горький ва Луначарский традициялари ана шундай етуклик ва фидойиликни тақозо этади.

Афсуски, матбуот саҳифаларида ҳамон юзаки ёзилган мақола ва тақризлар эълон қилинаётгани, бу билан келишиб бўлмайди. Бу хил тақризларда маълум бир асар воқеаси, мазмуни қисқача сўзлаб берилади, асар қаҳрамонлари номи тилга олинади, дастлаб ижодий баҳо берилади ва ниҳоят тақриз сўнггида «айрим» камчиликлари айтилади. Мазкур камчиликларга қарамай, асар, умуман яхши эканлиги таъкидланади.

Ҳозирги танқидчилигимизда энг жиддий нуқсонлардан бири ана шу қолип, шаблон касаллигидир. Бу нуқсон қандай пайдо бўлади? Аввало, танқидчининг ҳаётни яхши билмаслиги, асар руҳига кирабилмаслиги, катта совет адабиёти муваффақиятларидан, проблемалардан яхши хабардор эмаслиги, ўзининг сиёсий ва бадиий камоли устида тинимсиз ишламаслиги натижасида бу камчилик келиб чиқади.

Асарларга холисона, принципиал партиявий позициядан туриб баҳо беролмаслик, субъективизм, ҳам ғоявий, ҳам бадиий жиҳатдан хом-хатала ёзилган асарлар билан муросасозлик, фикрларнинг далилланмаслиги, ошна-оғайничилик ёки тарафкашлик туйғуларининг танқидга аралашиб қолиши каби ходисалар умумий ишимизга жиддий зарар етказади.

Бир қанча газеталар ва журналларнинг редакциялари танқидий мақолаларнинг ғоявий-назарий савиясига нисбатан баъзан талабчанлик кўрсатмаётганлиги Марказий Комитет қарорида кўрсатиб ўтилади. Чинакам партиявий талабчанлик сусайтирилган жойда адабий асар, спектакль, кинофильм, музика ва тасвирий санъат асари ҳақида бир ёқлама фикр юритишга, чалкаш мулоҳазаларга айтилишига ҳақиқий меъёрдан чекинишга ва шу каби бошқа хил иллаталарга йўл очилади.

Айрим танқидчилар ёш, қобилиятли ижодкорлар асарларини таҳлил этишда бир ёқламаликка берилиб кетиб, битта қисса ёки ҳикоя ҳақида ўзига шахсан маъқул бўлганлиги учун матбуот органларида, ўз докладларида бир хил чайналган фикрларни ҳадеб айтаберадилар. Бу хил мақтовлар ёшларга ёрдам эмас, аксинча зарар етказиб қўйиши ҳақида улар ўйлаб ҳам кўрмайди. Катта ижод йўлига қадам қўяётган ёшларимизни рағбатлантириш билан бирга, улар олдига катта, масъулиятли талаблар ҳам қўйишимиз керакки, бу жуда муҳимдир.

Улуғ Ватанимиз СССРнинг ярим асрлик юбилейига тайёргарлик йилида ижодий ташкилотларимизда ҳам муҳим тадбирлар амалга ошириляпти. Ижодий ташкилотларнинг турли-туман анжуманларида санъаткорларимиз яратаётган асарлар юзасидан қизғин фикр олишувлар бўляпти. Бироқ айрим асарлар бўйича янада аниқ ва жиддий, принципиал мулоҳазалар юритиш лозимки, бу ишда адабий-бадиий танқидчилик етарли жанговарлик кўрсатмаётир. Масалан, «Узбекфильм» студияси томошабинларимизга манзур бўладиган бир неча фильмлар яратди. Лекин шундай картиналар ҳам экранга чиқарилмоқдаки, уларда ҳаётимизнинг йирик масалалари, ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлиларнинг қаҳрамонона меҳнати ички дунёси, олижаноб характери биринчи планга қўйилмайди. Аксинча, турмуш ипир-чипирлари, экзотик манзаралар авторлар диққатини кўпроқ жалб этади. Студияда яратилган «Муҳаббат можароси» картинасининг режиссёрлик санъати юксак бўлгани ҳолда, асарга асос қилиб олинган материал салмоқли эмас. «Тасодиф оёқ остида» фильми ҳақида ҳам шу гапларни айтиш мумкин. Кинотанқидчиларимиз бўлса, ана шундай фильмлар ҳақида очиқ-ойдин фикр айтмайдилар.

КПСС Марказий Комитетининг қарорида шу нарса таъкидлаб ўтилдики, ижодий союзларнинг раҳбар органлари бадиий ижоднинг етилган проблемаларини коллектив равишда муҳокама қилишни тез-тез уюштириб турмаётирлар. Танқидчилик соҳасидаги комиссиялар ва кенгашларнинг иши сусткашлик билан қайта қурилмоқда. Танқидчиларни ғоявий тарбиялаш ва уларнинг профессионал маҳоратини оширш тўғрисида, адабиёт ва санъат ходимлари ўртасида юксак талабчанлик вазиятини вужудга келтириш, танқидий мулоҳазаларга тўғри муносабатда бўлиш вазиятини тутдириш учун кун сайин ғамхўрлик қилинмаётир.

Бу фикр Ўзбекистон Ёзувчилар, Рассомлар, Композиторлар ва бошқа ижодий союзлар зиммасига, республика Маданият министрлиги, Матбуот ва Телевидение ҳамда радиоэшиттириш Давлат Комитетлари, газеталар ва журналлар, нашриётлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Улар ўзларининг бу муҳим соҳадаги ишларини мазкур қарор асосида қайта кўриб чиқишлари, адабий-бадиий танқидни ҳар томонлама етук, ҳаққоний санъатга, коммунистик қурилишнинг ўткир идеологик қуролига айлантиришга эришишлари, кадрлар билан ишлашни тубдан яхшилашлари зарур.

СССР 50 ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

БЕДАПОЯЛАРГА ИШЛОВ БЕРИЯПТИ

БУХОРО (**«Совет Ўзбекистони» мухбири**). СССР ташкил этилган куннинг 50 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган Бухоро область механизаторлари бедапояларни бороналаш, озиқлантириш ишларини қизиқтиб юбордилар. Улар кунига 800-900 гектардан ортиқ майдондаги бедапояларга ишлов бермоқдалар. Сифатли бороналаниб, озиқлантирилган ерларда беда бир текис кўкарди. Кейинги кунларда ҳавонинг илиб кетиши ва ерда намнинг етарли бўлиши беда майсаларининг дуркин ўсишига ёрдам бермоқда.

Айни пайтда сифатли қилиб ҳозирланган майдонларга беда экиш кучайтириб юборилди. Область колхоз ва совхозларида дастлабки бир неча юз гектар ерга ана шу қимматли озуқа экини экилди. Барча майдонларга беда уруғи арпа, маккажўхори ва кузги жавдар билан қўшиб экилмоқда. Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги», «Ромитан» совхозлари, Свердлов районидаги Навоий номли, «Ленинград», «Ўзбекистон», Қоракўл районидаги «Москва», «Октябрь», «Правда» колхозларининг деҳқонлари бедапоялар майдонини кенгайтиришда айниқса яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Бу йил областда 13,1 минг гектар ерга беда уруғи экиб, жами бедапоялар майдонини 35 минг гектарга етказиш мўлжаллаб қўйилди.

Т. НАЗИРОВ.

БАҲОРНИНГ дастлабки кунлариданоқ Свердлов районидаги Ҳамза номли колхознинг деҳқонлари экиш ишларини бошлаб юборидилар. Суратда: колхознинг участка агрономи Шоим Тошев ва бригада табелчиси Бейбуд Удаев беда уруғини кўздан кечирмоқдалар.

Г. Еқубов фотоси.

ЭКИШГА ТАЙЁРГАРЛИК ВА ЭКИШ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИДА БЎЛСИН

Халқ назоратчиларига, ишчи ва қишлоқ мухбирларига

Қадрли ўртоқлар!

Ўзбекистон деҳқонлари СССРнинг 50 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани қизитиб, тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йилида зиммаларига катта мажбуриятлар олишди. Давлатга 4,5 миллион тонна пахта сотишга, деҳқончиликнинг бошқа мақсулотларини ҳам анча кўпайтиришга қарор қилинди.

Ана шу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан экиш суръати ва сифатига боғлиқдир.

Узоқ-ча чўзилган қаҳратон қиш жиддий қийинчиликлар туғдирди, бахорги экишга тайёргарликни чигаллаштирди. Экиш мавсумини таҳминан 15—20 кунга чўзиб юборди.

Ана шундай шароитда баҳорги барча қишлоқ хўжалик ишларини қисқа муддатда ўтказиш лозим бўлади. Бунинг учун техникани омилкорлик билан ишлатиш, одамларни ишга тўла сафарбар этиш зарурдир. Ҳамма нарсани экишни муваффақиятли туғатмок учун синчковлик билан тахт қилиб қўйиш даркор.

Шу кунларда ҳар кун, ҳар соат ғанимат.

Ишчи ва қишлоқ мухбирлари, халқ назоратчилари ўртоқлар!

Ҳозир энг муҳими — экишга аъло тайёргарлик кўришдан иборат. Ҳозир гап техниканинг ишга яроқлигини ва созланганлигини, зарур миқдорда уруғлик тайёрланганлигини, далаларнинг тахт қилиб қўйилганлигини яна бир карра назардан кечириш устида бораяпти. Баҳорги экишга тайёргарлик кўрилаётган ҳамма жойларда сизнинг ўткир кўзингиз, хўжаликнинг миридан-сиригача синчиклаб ўрганадиган ўткир назарингиз жуда-жуда асқотади.

Экишга тайёргарликда майда-чуйда иш йўқ. Ўзбекистони» ва «Правда Востока» газеталарининг редакциялари республика миқесида рейд эълон қиладилар. Ҳамма ўртоқларни бу рейдда фаол иштирок этишга чақирамиз.

Амалда нима ишлар қилиш керак?

Ҳар бир ремонт устахонасида халқ назоратчилари ва ишчи-қишлоқ мухбирларининг жанговар постлари тузилиши керак. Шунга эришайликки, қишлоқ хўжалик машиналари жадаллик билан ва беками-кўст ремонт қилинсин.

Ана шундай постлар колхозларда ҳам тузилиши, улар тахт қилиб қўйилган техникани синчковлик билан қаровдан ўтказишлари лозим.

Ўтган кузда хўжаликларнинг ҳаммасида ҳам шудгор ўтказилмади. Баҳорда анча ерни ҳайдашимиз керак. Назоратни шундай ташкил этингки, биринчи галда ҳайдов тракторлари тахт қилиб қўйилсин. Бу, ҳайдовни агротехникининг ҳамма коидаларига риоя қилиб ўтказишни таъминлайди.

Диққат-эътиборни далаларнинг тайёрлигига қаратинг. Ирригация тармоқлари тозаланганлигини, яхоб берилиб шўр ювилганлигини, карталар текисланганлигини, далаларга минерал ва маҳаллий ўғитлар солинганлигини назардан ўтказинг.

Уруғлик ҳақида алоҳида ўйлаш керак. Пахта тозалаш заводларида уруғлик қандай тайёрланяпти-ю, хўжаликларга қай тариқа етказиб бериляпти, улар экиш олдидан қандай ишланяпти — ана шуларни текшириб кўринг.

Бир қанча районларда сабзавот экиляпти. Беда экишга киришилди, доғ экиш ҳам бошланяпти. Ана шу ишлар тўғри бораяптими, ер етилганми, уруғлик фонди тахтми? — Ана шуларга эътиборингизни қаратинг.

Ҳамма ишнинг тақдири, шу жумладан экиш тақдири ҳам одамларга боғлиқ. Сеялкаларнинг тахтлигини, механизаторларнинг тайёргарлигини, уларни ўқитиш қай тариқа бораётганлигини текшириб кўринг.

Экишнинг биринчи кунидан бошлабоқ ҳар бир совхозда, колхозда, бўлимда ва бригадада постлар тузинг. Техниканинг ишини ва техника қаровининг ташкил этилишини кузатиб боринг. Уруғликнинг ишланишига эътибор беринг.

Мўл ҳосил учун курашда деҳқонларнинг меҳнатини тўғри уюштириш ва дам олишини яхши ташкил этиш, катта наф берадиган оммавий мусобақани йўлга қўйиш, пешқадамларни маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириб боришни ўйлаш, уларнинг тажрибасини ёйиш, айниқса муҳимдир. Бу юмушларнинг ҳаммаси назоратингиз остида бўлсин.

Кўрган-билганларингизни ва таклиф-мулоҳазаларингизни «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» газеталари редакцияларига ҳамда республика Халқ контроли комитетига ёзиб юборинг.

РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИ, «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА «ПРАВДА ВОСТОКА» ГАЗЕТАЛАРИ РЕДАКЦИЯЛАРИ

СОВЕТ—ПОКИСТОН МУЗОКАРАЛАРИ

16 мартда Кремлда СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин билан Покистон президенти Зулфиқор Али Бхутто ўртасида музокаралар бошланди.

Музокаралар давомида Совет Иттифоқи билан Покистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларга доир масалалар, Ҳиндистон ярим оролидаги аҳвол, шунингдек иккала томонни қизиқтирувчи бошқа халқаро проблемалар муҳокама қилинди. (ТАСС).

Покистон президенти шарафига

СССР Олий Совети Президиуми билан СССР ҳукумати 16 мартда Катта Кремль саройида Покистон Ислом Республикасининг президенти Зулфиқор Али Бхутто шарафига зиёфат бердилар.

Ҳурматли меҳмонга ҳамроҳ бўлиб келган кишилар зиёфатда у билан бирга бўлдилар.

Совет томонидан СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. С. Полянский ва бошқалар ҳозир бўлдилар.

Зиёфат вақтида А. Н. Косигин ва Зулфиқор Али Бхутто қадаҳ кўтариб дўстона нутқ сўзладилар. (ТАСС).

СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ ХОДИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

Республикада бир миллион 300 минг нафарга яқин киши, шу жумладан 625 минг нафар колхозчи пенсия олиб туради. 664 минг нафар кўп болали оналарга давлат нафақалари тўланмоқда. Бу рақамлар социал таъминот органлари ходимларининг Тошкентда бўлиб ўтган кенгаш-семинарида тилга олинди: Ўзбекистон ССР социал таъминот министри Б. С. Содиқова ўз докладида шу органларнинг 1971 йилдаги иш якунлари ва уларнинг КПСС XXIV съезди қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида гапирди.

Кенгаш-семинар қатнашчилари ўзларининг бутун фаолиятларини янада такомиллаштириш йўлларини белгилаб олдилар, пенсиялар ва нафақаларни ҳисоблаб тайинлаш ва ўз вақтида тўлаш, Улуғ Ватан уруши инвалидларига ғамхўрлик қилиш, меҳнаткашларнинг шикоятлари ва ариза-ларини кўриб чиқиш масалаларига кўп эътибор берилди.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Турсунов нутқ сўзлади. (ЎзТАГ).

Сўнгги соатда

Л. И. БРЕЖНЕВ ПОКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 17 мартда Покистон президенти З. А. Бхуттони қабул қилди.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида Совет—Покистон муносабатлари, Ҳиндистон ярим оролидаги аҳвол ва бу районда юзага келган проблемаларни сиёсий йўл билан бартараф қилишнинг мумкин бўлган йўллари хусусида фикрлашиб олинди. Шунингдек бир қатор халқаро масалалар ҳам муҳокама этилди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДЕЛЕГАЦИЯСИ КАНАДАДА

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. А. Тихонов бошчилигида Канадада меҳмон бўлиб турган СССР Олий Советининг делегацияси мамлакатнинг энг йирик саноат шаҳри Торонтога борди. Совет Иттифоқидан келган меҳмонлар Торонтодан 20 миль наридаги Пикеринг ядро электр станциясини бориб кўрдилар. Электр станцияси маъмурияти ва ишчилари уларни самимий кутиб олишди.

Совет парламент аъзолари Онтарио вилояти ҳукуматининг вакиллари билан учрашдилар, Торонтонинг диққатга сазовор жойлари билан таништилар, машҳур профессионал «Монреаль канадиен» ва «Торонто мэйпл лифз» хоккей командалари нинг ўйинини томоша қилдилар. (ТАСС).

ИТАЛИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XIII СЪЕЗДИДА

Италия Коммунистик партиясининг XIII съезди давом этмоқда. Автоном социалистлар ҳаракатининг секретари Д. Фьореллонинг бу ҳаракатни Италия Коммунистик партияси билан қўшиш тўғрисидаги гапини делегатлар гулдурос қарсаклар билан кутиб олишди.

Италия Коммунистик партияси Сиёсий бюросининг аъзоси Жан Карло Пайетта сўзга чиқиб, Италиядаги ҳозирги сиёсий вазият ҳақида гапирди.

Италиянинг таниқли рассоми, Италия Коммунистик партияси Марказий Комитети раҳбарлигининг аъзоси Р. Гуттузо Италия Коммунистик партияси ижодкор зиёлилар орасида олиб бораётган ишлар ҳақида, санъатнинг партиявийлиги проблемалари тўғрисида гапирди.

КПСС Марказий Комитетининг Италия коммунистлари XIII съездига йўллаган табрикномасини, шунингдек КПСС делегацияси бошлиги, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришининг съездда сўзлаган нутқини Италия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг органи «Унита» газетаси босиб чиқарди.

СОВЕТ—БОЛГАРИЯ ДЎСТЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН!

Республика пойтахтининг ва пойтахт областининг жамоатчилик вакиллари муҳим саналар — Совет Иттифоқи билан Болгария Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартнома имзоланган кунинг 24 йиллигини тантанали нишонламоқ учун 17 мартда В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалидаги лекция залида тўпланишди.

Мажлис аҳли Совет—Болгария дўстлигининг катта аҳамияти тўғрисида гапириб, Ўзбекистон меҳнаткашлари, шу жумладан Тошкент ва Андижон областларининг меҳнаткашлари Болгариянинг Хасково ва Ямбол округлари билан алоқани кучайтириб, бу дўстликни мустаҳкамлашга анча ҳисса қўшаётганликларини айтиб ўтди. Сўзга чиққанлар болгариялик дўстларга социализм қуришда янги муваффақиятлар тилладилар. (ЎзТАГ).

Коммунистлар ҳақида ҳикоялар

АЁЛЛАР БАХТИНИ ДЕБ...

Хотин-қизлар озодлиги учун кураш Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тарихининг ёрқин саҳифаларидан биридир. Партиямиз Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонишн билан хотин-қизларни оилада ва жамиятда камситувчи барча эски қонунларга чек қўйди. Энди қонун қўриқлаган хотин-қизлар озодлиги ва уларнинг тенг ҳуқуқлилигини ҳаётга жорий этиш зарур эди. Ана шу ниҳоятда мураккаб ва оғир вазифани бажаришда кўпгина хотин-қизлар актив қатнашдилар. Революциядан кейин Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитети хотин-қизлар бўлимининг мудири бўлиб ишлаган Серафима Тимофеевна Любимова ана шундай аёлларнинг биридир. Биз қуйида Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистонда хотин-қизлар озодлиги ва тенгҳуқуқлилиги учун курашнинг ташкилотчиларидан бўлган ана шу коммунист ҳақида ҳикоя қиламиз.

* * *

Институт кутубхонасида вақт ўтиши билан муқовалари анча эскириб қолган бир неча китобчалар сақланяпти. «Олға қадам» (1925), «Партиянинг хотин-қизлари орасидаги иши» (1926), «Янги турмуш учун» (1926), «Советнинг маиший секцияси» (1928)... «Бу брошюраларнинг автори Т. Любимова.

Мана, С. Любимованинг яна бир китобчаси. Унинг биринчи саҳифаси қуйидагича мурожаат билан очилади:

«Коммунист! Агар сен халқнинг келажагини ўйласанг, агар сен халқ хўжалиги ва маданиятнинг юксалишига чинакам жон куйдирсанг... унда сен хотин-қизларни озод қилиш ишига ҳисса қўшишинг даркор».

Кейин китобда бу соҳада бажарилиши зарур бўлган муҳим масалалар ўртага ташланади. Унда қизиқ фактлар келтирилади. Хотин-қизлар қисматига тушган машаққатли меҳнат ва азоблардан қандай қутулиш йўлларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилинади.

Октябрь революциясигача хотин-қизлар қанчалар оғир, аянчли кун кечирганликларини тасаввур қилиш учун яна Любимовага мурожаат қиламиз. Унинг «Олға қадам» китобида мана шундай сатрлар бор:

«Туркистонда, Бухоро ва Хоразм атрофларида аёлларга тўғридан-тўғри бир буюмдай қаралар эди... бозор баҳоси ҳусусида гап кетганда одатда «туя арзон-у, хотин қимматлашиб кетибди» деган гаплар айтиларди...

Ҳатто Тошкентда ҳам 40—50 ёшларга борган шундай аёлларни кўрдимки, улар бутун умрлари давомида ўз маҳаллаларидан бошқа жойни кўрмаганлар, янги шаҳарлар, европача биноларни мутлақо билишмайди».

Шарқ аёлларининг таҳқирланган тақдири ҳақида шунчалик тўлқинланиб, ачиниб гапирган Серафима Любимованинг ўзи ким эди?

Бу ажойиб рус аёли 1898 йилда Саранск шаҳрида (ҳозирги Мордва АССР) хизматчи оиласида дунёга келади. Гимназияни тугатгач, маориф органларида: Кузнецк губерниясида кутубхоначи, Саратов губернияси халқ маорифи бўлимида инструктор бўлиб ишлайди. 1919 йилнинг апрель ойида Коммунистик партия сафига киради. Ўша йиллари Кузнецкда чиқадиган кундалик «Известия» газетасига мухаррирлик қилади. Партиямизнинг IX съездида иштирок этиб, В. И. Ленинни кўради ва унинг доно сўзларини эшитади.

Маълумки, РКП(б) Марказий Комитетининг хотин-қизлар бўлими 1920 йилнинг март ойида Шарқ хотин-қизлари орасида иш олиб бориш бўйича II Бутунроссия йиғилишини чақиради. Бу йиғилишда 12 автоном республика ва областлардан келган вакиллар ҳамда Шарқ меҳнаткашлари университетининг хотин-қиз тингловчилари иштирок этадилар. Йиғилиш бир қанча муҳим масалалар қаторида С. Т. Любимованинг докладини ҳам тинглайди. Йиғилиш тугашидан сўнг сал ўтмаёқ Серафима Тимофеевна Туркистонга юборилади. Кейинчалик унинг Туркистон аёлларининг аҳволи ҳақидаги ҳисоботи РКП(б) Марказий Комитети ташкилий бюросининг йиғилишида кўриб чиқилади ва Серафима Тимофеевна Туркистон Компартияси Марказий Комитети хотин-қизлар бўлимининг мудири вазифасига юборилади.

У бу ерда хотин-қизлар озодлигининг ҳақиқий курашчисига айланади. Туркистондаги маҳаллий аёллар орасида актив ва самарали иш олиб боради, бу соҳадаги ҳамма тадбирларни жонлантириб юборади. У ўткир тил билан жуда кўп публицистик мақолалар, брошюра ва китоблар ёзади. Бу асарларида ўлка хотин-қизларининг социал аҳволи ва уларни озод қилиш учун партия олиб борётган кураш методлари ҳақида гапиради.

Ўз вақтида Клара Цеткин хотин-қизлар клубларини «революцион кучлар йиғиладиган жой» деб атаган эди. Шу сабабли ҳам С. Любимова маданий-оқартув муассасаларига катта аҳамият берди, хотин-қизлар орасида ишлайдиган маҳаллий кадрлар тайёрлаб етиштириш ишига ғоят жиддий эътибор билан қаради. Албатта, у бу ишларда ягона эмас эди. И. И. Финкельштейн, Т. Шодиева, Э. Кулиева, Ш. Ғойибжонова, Т. Иброҳимова, Ж. Обидова каби бошқа ўнлаб активларнинг фаол ёрдамига таянди.

Хуллас, С. Любимова Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ишига муносиб улуш қўшган партия ходимларидан биридир. У кўп йиллар давомида партия, совет ишларида нашриётларда хизмат қилди. Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларда эса ўз билимини ошириб, тарих фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун диссертация ёқлади. Умрининг охирида Москвада яшади.

Ўзбекистон хотин-қизларининг 1958 йилда бўлган I съездида Серафима Тимофеевна тўлқинланиб шундай деган эди: «... 1924 йилнинг 8 мартида Тошкентнинг эски шаҳарида биринчи хотин-қизлар клубини ташкил этганимизда, клуб деразалари кўчага эмас ҳовлига қараган иморатда очилган эди. Ҳатто эркаклар кирмайдиган шу клубга ҳам ўзбек хотин-қизлари ҳадеганда келишавермади... Энди ҳамма нарса ўзгариб кетган... Тошкентнинг фақат эски номини айтмаса, ўзи бутунлай янги. Аммо, энг муҳими — Совет ҳокимияти йилларида вояга етган янги кишилардир. Биз юзини яширган аёллари учратмадик. Биз хушчақчақ ёшларни кўрдик. Ўғил ва қиз болалар нурафшон мактаб биноларини тўлдириб юришибди...»

Ажойиб коммунист, ташкилотчи, мураббий бўлган С. Т. Любимова синглари олижаноб кишиларнинг номини, уларнинг ишларини республикамиз меҳнаткашлари ҳамиша ҳурмат ва иззат билан тилга оладилар.

Ш. АБДУРАЗЗОҚОВА,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтининг илмий ходими.



ПАРИЖ КОММУНАСИ 101 ЁШДА

Бундан 101 йил муқаддам, 1871 йилнинг 18 мартида Парижда пролетариат революцияси ғалаба қозониб, тарихда биринчи марта ишчилар ҳокимияти ўрнатилган эди. 18 март революцияси ғалаба қозонгач, Париж халқи жаҳонда биринчи бўлиб янги типдаги пролетариат давлати — Париж коммунасини барпо этди. Коммуна буржуазия давлат машинасини синдириб, унинг ўрнига халқ оммаси сайлаган давлат органларини тузди. Коммуна раҳбарлигига сайланган 86 кишининг 26 таси ишчи, 30 дан кўпроғи хизматчи, қолганлари майда буржуазия вакиллари ҳамда зиёлилардан иборат эди. Париж коммунаси кишини киши томонидан эксплуатация қилишни тугатишга қаратилган қатор муҳим ижтимоий-иқтисодий тадбирларни амалга оширди. Бироқ коммуна бирлашган империалистик кучлар қаршисида якналаниб қолди ва енгилди. Карл Маркс айтганидек, моҳият эътибори билан ишчилар синфининг ҳукумати бўлган Париж коммунаси атиги 72 кун яшади. Коммуна енгилди, аммо у тарихда ўчмас из қолдирди. Қаҳрамон коммунарларнинг қони беҳуда кетмади. Улар тарихда янги даврнинг — капитализм тангликлари ва пролетариат революциялари даврини бошлаб бердилар. 1917 йили Россияда ғалаба қозонган Октябрь социалистик революцияси Париж коммунасининг давомидир. Улуғ Октябрь социалистик революцияси Париж коммунаси бошлаб берган ишни давом эттирди, унинг тажрибасини бойитди ва кўпайтирди. 1871 йилнинг 18 мартида Париж Ратушаси устида кўтарилган коммунанинг қизил байроғи бугунги кунда социализм дунёси устида, капитал мамлакатлардаги ишчиларнинг сафлари устида, миллий озодлик ҳаракати отрядлари бошн узра хилпираб турибди.

Суратда: Ратуша олдидаги майдонда Париж коммунасининг эълон қилиниши.

АХБОРОТ

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

ЯНГИ УСУЛ

Паррандачилик фабрикаларида товуқларни бир қаватли катакларда боқишга ўтилди. Шу йилнинг ўзида 550 минг товуқ шундай кенг катакларда боқилади.

«Узптицепром» бундай катаклардан 200 комплектига буюртма берди. Дастлаб олинган 30 комплект катаклар республикада илғор ҳисобланган Навоий, Самарқанд ва 2-Фарғона паррандачилик фабрикаларига жўнатилди. Паррандаларга механизация ёрдамида озиқлантирилади, хоналар эса сунъий йўл билан иситилади, ҳавоси янгилаб турилади.

«Узптицепром» паррандачилик корхоналари янгиликларни жорий қила бориб, бу йил пландан ташқари 15 миллион дона тухум, 600 центнер парранда гўшти сотади.

Д. ПОЛЕВОЙ.

КИТОБЛАР МАДҲИЯСИ

Қардош Қирғизистон ҳақида нималар билмоқчисиз? Рассом мўйқалами билан чизилган суратдек сулув Қирғизистон экономикаси, маданияти янгиликларидан хабардормисиз?

Тошкентдаги Алишер Навоий номли республика давлат кутубхонасида Қирғизистон ССР-га бағишланган китоблар кўргазмаси очилди. Бир неча бўлимдан иборат бу кўргазмада В. И. Ленининг Ўрта Осиё ва Козоғистон ҳақидаги асарлари, Қирғизистон Коммунистик партияси ҳамда ишчилар синфи тарихини мадҳ этувчи адабиётлар томошабинлар эътиборини тортяпти.

Т. ИСКАНДАРОВ,
М. КАРИМОВ.

ҚИШЛОҚҚА ОТЛАНГАН САНЪАТКОРЛАР

Дала ишлари бошлаб юборилган бугунги кунларда Урганч санъаткорлари томошабинлар ҳузурига отланишди. Оғаҳий номидаги область музикали драма ва комедия театри билан шаҳардаги халқ театри санъаткорлари колхоз-совхоз меҳнаткашлари даврасида ўз маҳоратларини намойиш қилмоқдалар. Саҳна асарлари, кенг программали концертлари билан деҳқонларга маданий хизмат кўрсатаётирлар.

Х. ХУЖАЕВ.

◆

Туркманистонлик М. Нуриев, хоразмлик С. Матюсупов, У. Ҳайдаров кашқадарёлик А. Рўзиқулов, О. Эшонқулов, самарқандлик Р. Уролов, фарғоналик О. Носиров, М. Мирзаҳмедов, А. Мадраҳимов, сирдарёлик Э. Рўзибоев, А. Аҳмедов ўртоқлар ҳам редакцияга шундай хушхабарлар йўллашган.

КОНКУРС, СТУДЕНТ, БАЛЛ

Олий мактабларга қабул қилишнинг янги қоидалари тасдиқланди

СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги мамлакатнинг олий мактабларига қабул қилишнинг янги қоидаларини тасдиқлади. ТАСС мухбири Ю. Новокшонов СССР олий ва ўрта махсус таълим министрининг ўринбосари профессор Н. Ф. КРАСНОВга мурожаат қилиб, янги қонун-қоидаларни шарҳлаб беришини сўради.

● ●

— Совет ёшларининг, —деди Н. Ф. Краснов, — олий таълим олиш имкониятлари йил сайин кенгайиб бормоқда. Совет Иттифоқи маданий даражанинг муҳим кўрсаткичи —ўн минг аҳолига тўғри келадиган студентлар сони жиҳатидан жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Совет олий таълим системаси катта обрў қозонганлиги бежиз эмас. Бу система партиянинг режаларига мувофиқ ривожланиб бормоқда, коммунистик қурилиш манфаатларига, фан-техника революцияси талабларига мувофиқдир.

1972 — 1973 ўқув йилида мамлакатнинг университетларига ва институтларига тўққиз юз минг нафардан зиёд йигит-қиз қабул қилинади. Шу жумладан кундузги ўқишга салкам олти юз минг киши қабул қилинади. Олий ўқув юртига қабул ташкилий масала бўлибгина қолмай, шу билан бирга катта социал проблемадир. КПСС XXIV съездининг қарорлари, тўққизинчи беш йиллик план вазифалари бугунги кунда кадрлар фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларига мувофиқ тайёрланишини талаб этади.

Буларнинг ҳаммаси СССР олий мактабларига қабул қилишнинг янги қоидаларида муайян даражада акс этган. Бу қоидаларга баъзи принципиал ўзгаришлар киритилди. Бу ўзгаришлар, даставвал, олий мактабга ёшларни танлаб олиш формаларига — абитуриентлар конкурс мусобақасига тааллуқли бўлди.

— Шу ҳақда муфассалроқ гапириб берсангиз.

— Янги қоидалар тузилаётганида кириш имтиҳонларида ҳар бир абитуриент илгари бўлиб келганидек бундан буён ҳам ўз билимини, қобилиятларини яхшироқ кўрсатиши учун имконият яратилади. Мана шу шарт билангина энг муносиб кишиларни аниқлаб олиш, олий мактабларни меҳнатсевар, билимга чанқоқ студентлар билан тўлдириш мумкин бўлади. Тасдиқланган қабул қоидаларида кириш имтиҳонларини профилли ва нопрофилли фанларга ажратиш бекор қилинди. Кириш имтиҳоларида олинган конкурс баллари-нинг умумий миқдорига бундан буён ҳамма предметлар юзасидан олинган баҳо қўшилади. Ана шу тадбир рус тили ва адабиётидан, шунингдек мактабда ўқитиш олиб борилган тилдан олинган имтиҳоннинг аҳамиятини оширади. Эндиликда ҳар бир олий мактабда ишлаш учун олинган баҳо олий мактабга кириш баллари йиғиндисида тўла ҳуқуқли ўрин олади.

Ўрта ўқув юртида эришилган муваффақиятларни тўлароқ назарда тутмоқ учун конкурс балл йиғиндисига мактабни битирганлик тўғрисидаги аттестатдан ўрта арифметик баҳо киритилади. Шундай қилиб, олий мактабларга кирувчилар (танлаб олинган мутахассисликка қараб) қабул қоидаларида кўзда тутилган фанлар бўйича кириш имтиҳонларида олинган баҳолар ҳамда ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжатда кўрсатилган ҳамма фанлар бўйича ўрта арифметик баҳо асосидаги умумий балл миқдорига мувофиқ танлаб олинади.

Бизнингча, мактаб аттестатига қараб олинган бундай баҳолаш абитуриентнинг билимининга эмас, шу билан бирга унинг машғулотларга нечоғли виждонан қараганлигини ҳам маълум даражада назарда тутади. Олий таълим олишни мақсад қилиб қўйганлар учун мана шу фазилатлар ғоятда зарурдир. Конкурс имтиҳонларига мактаб аттестати бўйича олинган балл қўшилиши олий мактабга студент танлаб олиш объективлигини ҳам оширса керак.

— Олий мактабга ўқувчи қабул қилинаётганида «олим бўладиганлар» назардан тушиб қолмаслиги кераклиги тўғрисида жамоатчилик ўз вақтида кўп таклифлар қилган эди. Хўш, шу борада, нималар қилиняпти?

— Бизнинг фикримизча, бундай таклифларда жон бор. Мана шу таклифларнинг баъзилари янги қоидаларда ифода эттирилди. Янги қоидалар умумий балл миқдори баравар келганида танлаб олган мутахассислигига майлини кўрсатган, мактабдаги тўгараклар, конкурслар, кўриклар, олимпиадаларда актив қатнашганлар афзаллик ҳуқуқидан фойдаланадилар. Олий мактабларга қабул қилишдаги ҳозирги ўзгаришлар йигит ёки қиз ўзи севган фақат биргина предмет бўйичагина мустаҳкам билим олишга интилиши каби маълум бир тарафлама камол топишга ҳам йўл қўймайди. Ҳар бир олий мактабда тил ва адабиётдан олинадиган имтиҳоннинг баравар ҳуқуқли бўлиши ўқувчиларни гуманитар фанлардан тайёргарликка жиддий қарашга мажбур этадики, бунинг аҳамияти каттадир. Чунки бугунги ҳаёт совет мутахассисига мана шу жиҳатдан катта-катта талаблар қўймоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев студентларнинг Бутуниттифоқ слётида сўзлаган нутқида айтган эдики, бугунги кунда совет мутахассиси — марксизм-ленинизм таълимоти асосларини яхши эгаллаган, партия билан мамлакатнинг сиёсий мақсадларини равшан кўриб турган, кенг кўламда илмий ва амалий тайёргарлик кўрган, ўз касбини мукаммал биладиган кишидир. Министрлик олий мактабларга қабул қилишнинг янги қоидаларини тузаётганида партиянинг мана шу кўрсатмасини назарда тутди.

— Янги қоидаларга яна қандай ўзгаришлар киритилган?

— Бу ўзгаришлардан бири ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқитишга тааллуқлидир. Илгаригидек бундан буён ҳам иш характери олий мактабда танлаган мутахассисликка мувофиқ келадиган йигит-қизлар шундай бўлимларга биринчи навбатда қабул қилинади. Аммо янги қоидаларга мувофиқ, улар ушбу мутахассисликда камида олти ой ишлаётган бўлгандагида мана шу имтиёзлардан фойдаланадилар.

Келаси ўқув йилида кириш имтиҳонларининг рўйхати асосан аввалгича қолди. Аммо баъзи ўзгаришлар ҳам бор. Масалан, университетларнинг биология мутахассислигига кирувчилар физикадан бериладиган кириш имтиҳони ўрнига энди математикадан (ёзма ёки оғзаки) имтиҳон топширадилар. Қишлоқ хўжалиги бўйича иқтисод мутахассислигига кирмоқчи бўлганлар химия ўрнига географиядан (оғзаки) имтиҳон топширадилар. «Психология» мутахассислигини танлаган кишилар учун рус тили ва адабиётидан оғзаки имтиҳон ўрнига математикадан (оғзаки ёки ёзма) имтиҳон жорий этилди.

Мамлакатимизда олий таълим системаси, деди пировардида Н. Ф. Краснов, КПСС XXIV съездининг қарорлари, фан-техника тараққиётининг талаблари, мамлакатимизда коммунистик қурилиш манфаатларига мувофиқ доимо такомиллашиб бораверади.

МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРДА

СЕМИНАР-КЕНГАШ

Хоразм область Совети ижроия комитети доимий комиссиялар тажрибаларини оммалаштириш ва фаолиятини активлаштириш мақсадида семинар-кенгаш ўтказди. Область Советнинг социалистик қонунчилик ва жамоат тартибини сақлаш, ёшлар ўртасида ишлаш, молия-бюджет, савдо ва маиший хизмат доимий комиссияларининг раислари комиссияларнинг иш тажрибалари ҳақида сўзлаб бердилар.

ТАШАББУС

Янгиариқ, Боғот ва бошқа районлардаги қатор қишлоқ Советлари мактабларни янги ўқув йилига барвақт тайёрлаш тадбирларини белгиладилар. Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ Советлари томонидан белгиланган тадбирларда бу олижаноб ишга жамоатчиликни кенг жалб қилиш, депутатлар ва доимий комиссияларнинг ташкилотчилик фаолиятини оширишга катта эътибор берилган. Область Совети ижроия комитети бу қимматли ташаббусни маъқуллади.

СПОРТНИНГ ОММАВИЙЛИГИ УЧУН

Урганч шаҳрида физкультура ва спорт ҳаракатини ривожлантириш борасида анча ишлар қилинди, 60 га яқин физкультура коллективига қариб 15 минг спортчи уюшган. Спорт мастерлари, разрядли спортчилар кўпайди. Аммо, физкультура ва спорт ҳаракатининг оммавийлигига эришилган деб бўлмайди. Спортнинг моддий базаси талабга жавоб бермайди. Урганч шаҳар Совети ижроия комитетининг шу масала юзасидан область Совети ижроия комитети маслисида ҳисоботи тингланиб, асосий эътибор мавжуд нуқсонларни тугатишга, шаҳарда спортни ривожлантиришга қаратилди.

ҲАММАНИНГ ИШИ

Март ва апрель ойларини —кўчат ўтказиш ойлари деб эълон қилиш тўғрисида меҳнаткашларнинг таклифларини Урганч район Совети ижроия комитети қўллаб-қувватлади. Шу давр ичида 600 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказиш планлаштирилди. Шу кунларда район марказида ва колхоз қишлоқларида кўчат ўтказиш қизғин давом этмоқда. Бу хайрли ишда ҳаммаҳ қатнашяпти.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



ТОШКЕНТ тўқимачилик саноати машинасозлиги заводининг ишчиси А. Байдуллаев ишлаб чиқариш топшириқларини ҳамиша ошириб адо этаётганлиги туфайли корхона коллективи ҳурматига сазовор бўляпти. Суратда: А. Байдуллаев иш устида.

А. Тўраев фотоси.

ВАЪДА БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ

Қувасой қурилиш корхоналари шаҳри сифатида машҳур. Шаҳардан кун чиқар тарафга қараб боравер сангиз, улкан кенгликлар олдидан чиқиб қоласи з. Мана шу кенг далалар бағрида янги гигант корхона қад кўтараётир.

Бир неча юз метр нарида, пастликда айқириб оқаётган бебош Исфайрамсойдан нафасни қайтариб юборгудек изгирин уфуриб турибди. Бош корпуснинг юқори қаватларида электр пайвандчилар яшил ўт чақнатишяпти. Пастки қаватларда ҳам ишчилар ўз юмушлари билан банд. 16 гектарлик территориянинг янги бино ва корпуслар қуриладиган майдонларида бульдозерлар ўрмалайди, экскаватор пўлат чўмичини музлаган ерга уради...

Биз ҳикоя қилаётган бу қурилиш — Қувасой шиша идишлари заводи бўлади. Республика халқ хўжалигига катта наф келтириши кўзда тутилаётган бу корхона водийдаги йирик объектлардан биридир.

Қуйидаги рақамларга эътибор берсангиз, корхонани вақтида ишга тушириш нақадар муҳим эканлиги равшан бўлади. Корхона йилига 147,5 миллион дона консерва шишалари, 36,9 миллион дона шиша, 1 миллион 116 минг дона ўн литрли ва 191 минг дона йигирма литрли шиша идишлар ишлаб чиқариши керак.

Корхонанинг яна бир ҳусусияти шундаки, у қурилишларимиз учун 3 миллион 250 минг квадрат метр ойна блоклари, 337 минг квадрат метр профилли ойналар ва кўп миқдорда мозаик қопламалар ҳам етказиб беради. Уй-жой, маданий-маиший муассасалар ва бошқа хил қурилишлар кўрки ва сифатини яхшилашда бу материаллар нечоғли зарур экани ҳаммага равшан.

Завод ишлаб чиқариши керак бўлган маҳсулотлар хилма-хил ва уларга эҳтиёж катта. Лекин ғоят муҳим объект ҳисобланган, жуда кўп савдо ва қурилиш ташкилотлари унинг маҳсулотига кўз тикиб турган бу корхона қурилиши қандай боряпти? У ўз вақтида, 1973 йилда ишга тушириладими? Корхона қурилишини ўз зиммасига олган ташкилотларнинг бу муҳим объект қурилишига муносабатлари қандай?

Биз қурилаётган завод директори, кўпни кўрган мутахассис ўртоқ Т. Д. Сафоновга шу саволни берганимизда:

— Ҳақиқатан ҳам корхонанинг биринчи навбати келгуси йили ишга туширилиши шарт, — деди у, — лекин ишнинг кетиши шу кунларда суст, очиғини айтганда, суръат шундай бўладиган бўлса, орзумиз ушалмай қолади. Мана бу рақамларга эътибор беринг. Корхона қурилишига смета бўйича 17,5 миллион сўм ажратилган. Шундан 11 миллион 860 минг сўми қурилиш — монтаж ишларига мўлжалланган. Аммо шу йилнинг биринчи январигача 5 миллион сўмдан кўпроқ, қурилиш — монтаж ишларида эса 4 миллион 408 минг сўм маблағ ўзлаштирилди, холос.

Директор бу сусткашликнинг сабабчиси «Узглавстройкомплект» эканини айтди. Чиндан ҳам объектни зарур ускуналар билан таъминлашни ўз зиммасига олган бу ташкилот қурилишга керакли материалларни вақтида жўнатмаяпти. Кабель ва бошқа ускуналар етказиб берилмаётгани сабабли ишчилар ва мутахассисларнинг кўп вақтлари беҳуда ўтяпти.

Шчит, пульт ва подстанцияларни тайёрлаш ишлари ҳам кетга суриляпти. Ҳозиргача 3 та подстанция учун протокол ҳам йўқ. Шунга ўхшаш сабаблар туфайли корхонанинг муҳим участкаларида қурилиш ишлари деярли тўхтаб қоляпти. Иккинчи даражали ишларгина амалга ошириляпти.

Канализация ўтказиш заводни ишга туширишда ғоят муҳим роль ўйнайди. Бу ишнинг ҳажми кенг бўлгани учун ҳам каттагина маблағ сарфлаш талаб этилади. Корхонани, жумладан, унинг канализация тармоқларини ҳам Фарғонадаги 14-қурилиш трестининг 8- механизациялашган кўчма колоннаси қуряпти. Қурилиш ишлари суръати ниҳоятда суст эканлиги ҳақида ғап борганида трест бош инженери ўртоқ Э. И. Гавриловнинг фиғони фалакка чиқиб кетди.

— Биласизми, — деди у куюниб, — сметага кўра, фақат канализациянинг ўзи учун бир миллион сўмдан кўп маблағ ажратилиши керак эди, ҳозирча бунга ажратилгани 300 минг сўм бўлди, холос. Бу маблағни биз ўтган йилнинг дастлабки кварталларидаёқ ўзлаштирганмиз. Шундан бери қўлимизни қовуштириб ўтирибмиз. Канализация қурилишини маблағ билан таъминлаш республика Қурилиш материаллари саноати министрлиги чекига тушади. Лекин, мана, икки йилдирки, биз министрликдан маблағ ўрнига қуруқ ваъда олиб турибмиз...

Бош инженер ҳақ. Заводга пойдевор қўйилганига беш йилдан кўпроқ вақт ўтди. Аммо, ваъда-ваъдалигича қоляпти. Энди бу ёғини эшитинг. Шу 5-6 йил ичида қурилишдаги баъзи лойиҳалар эскириб қолди. Янги лойиҳа тузиб, янгидан иш бошлаш керак. Бу, давлатнинг бир неча ўн минг сўми совурилди, демакдир. Бу ҳам техника таъминоти ёмонлиги билан изоҳланади.

Оқибатда завод директори қурилишдаги сусткашлик сабабларини ўзидан соқит қилиб елка қисишдан, трест бош инженери эса юқори ташкилотлар адресига таъна қилишдан нарига ўтишолмаяпти. Қурилиш раҳбарлари Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Қувасой шиша идишлари заводи қурилишини тезлатиш тўғрисидаги кўрсатмасини ёмон бажаришяпти. Мазкур министрлик ва «Узглавстройкомплект» бу муҳим объектни керакли ускуна, материал ва маблағ билан вақтида таъмин этиб турмаса, корхона белгиланган муддат — 1973 йилда ишга туширилиши амримаҳол. Бу ҳақда энди астойдил бош қотириш пайти келди.

О. ҲАКИМОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг Фарғона область мухбири.

ТЕХНИКА ҚУДРАТИ

ИЛҒОР ТАЖРИБА — ОММАГА!

Босиб ўтилган йўлга назар ташлаш келгусидаги вазифаларни муваффақиятли адо этишга ёрдам беради, ютуқларни, камчиликларни тугатиш чоралари кўрилади. Шу жиҳатдан олганда ўтган 1971 йилда дала ишларини, хусусан теримни комплекс механизациялаш борасида катта ишлар қилинганини таъкидлаш ўринлидир. Совхозимиз пахта тайёрлаш планини октябрь ойининг биринчи ўн кунлигидаёқ бажарди, 4443 гектар майдоннинг хар гектаридан 28 ярим центнердан хирмон кўтарилди, ялпи ҳосилнинг 12 минг тоннаси машиналарда терилди. Бундай ғалабага биринчи марта «зангори кема»лар ва уларни моҳирлик билан бошқарган механизаторларнинг фидокорона меҳнати туфайли эришдик.

Ўтган йилнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, пахта майдони нечоғли кенгайтирилса ҳам теримни комплекс механизациялаш йўли билан ҳосилдорликни ошириш мумкин. Ўтган йилларда ҳам пахтадан кутилганча ҳосил етиштирилар эди. Ишчи кучи етишмаслиги туфайли бир қисм пахта — ерга тўкилганлари, кеч очилганлари қолиб кетар эди. Машиналар эндиликда деҳқонларнинг жонига аро кирди. Икки теримдаёқ борлиқ ҳосилнинг асосий қисми териб олиняпти, тўкилган қисми эса агрегатлар воситасида сарištаланяпти. Биз бундан кейин ҳам ана шу йўлдан дадил олга бораверамиз.

Машиналар пахтакорлар, деҳқонларнинг мададкоридир. Деҳқонларимиз машинага таянилганда мўлжалга олинган маррага тез ва толиқмай етиш мумкинлигини тўла англадилар. Лекин машиналар қувватидан фойдаланиш коэффициенти ҳамон қониқарли эмаслигини тан олишимиз керак. Илғор механизаторлар ҳар мавсумда бир машинада 600-700 тонна, ҳатто ундан кўп пахта тергани ҳолда, айримлари 70-75 тоннадан юқори кўтарилмаяпти. Машиналар эса деярли бир хил. Бунга сабаб шуки, кўп пахта тераётган механизаторлар бой тажрибага эга, «зангори кема»ларнинг қувватидан тўла фойдаланади, бекор туришига йўл қўймайди, ҳар соатда иш унумини ошириб боради. Ёш механизаторлар ҳақида эса бундай деб бўлмайди. Шунинг учун ҳар бир хўжаликда кўпгина механизатор кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириб боришга алоҳида аҳамият беришимиз керак. Менимча, ҳар бир хонадондан камида 1-2 кишини механизаторлар тайёрлаш мактаблари ва курсларида ўқитиш фурсати етди.

Машиналар иш унумини оширишда карталарнинг каттакичиклиги муҳим аҳамиятга моликдир. Кўп хўжаликларда карталар майда, уларнинг ўртасида дарахтлар бор. Бизнинг совхозимизда эса карталар йириклаштирилган, дарахтлар кўчириб олиниб ариқ-зовурларнинг қирғоқларига ўтқазилган. Йўлкўприклар муттасил тартибга келтириб борилади. Энг кичик карта 15-20 гектарлик бўлиб, чигит экишдан олдин кафтдек текис ҳолга келтирилади. Бундай жойларда машиналар юқори унум билан ишлаши шубҳасиздир.

Пахтакорларнинг республика қурултойида қўклам экин кампаниясига тайёргарлик масаласида муҳим гап бўлди. Бу мутлақо тўғри. Машиналарда пахта теришга кўсаклар очилганда эмас, шу кунлардан бошлаб тайёргарлик кўриш керак. Терим машиналари, тележкалар шайлаб қўйилса, ғўзаларнинг барги тўкилиши билан терим бошлаб юборилаверади. Борди-ю ер ҳайдаш, чигит экиш тракторлари сифатли ремонт қилинмаса, кўкламги ишлар сурилиб кетади, ҳосил чўғига путур етади. Оқибатда машина теримини вақтида ўтказиш имконияти бўлмайди. Шунинг учун ҳамма тракторларни, шу жумладан пахта териш машиналарини ҳозир капитал ремонтдан чиқариб қўйиш керак.

Дала ишларини, айниқса теримни механизациялаш хўжалигимизга катта иқтисодий фойда келтиряпти. 1965 йилда ҳар бир ишловчи ҳисобига 2100 сўмлик маҳсулот етиштирилган бўлса, 1970 йилда 4584 сўмлик маҳсулот тайёрланди. Экин ерларидан олинаётган даромад ҳам кўпаймоқда. 1962 йилда ҳар гектар ердан 562 сўм даромад олинган бўлса, 1971 йилда бу рақам икки баравардан зиёд кўпайди. Чунки ҳамма маркадаги, айниқса терим машиналаридан фойдаланиш тубдан яхшиланди. Совхозимизда ҳар бир терим машинасининг иш унуми қандай ортаётганини ва ялпи тонна кўпаяётганини қуйидаги диаграммадан кўриш мумкин.



Теримни комплекс механизациялаш пахта сортини яхшилашда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Бултур планга нисбатан тайёрланган пахтанинг 107 процента биринчи сортга қабул қилинди. Шунинг ўзидангина 262 минг сўм қўшимча даромад олинди, унинг тенг ярми механизаторларга мукофот тариқасида бўлиб берилди. Бу — машиналарнинг шарофатидир. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, биз ҳар йили теримни комплекс механизациялаш йўли билан катта фойда олишни мўлжаллаб режалар тузамиз ва уни изчиллик билан амалга оширамиз. 1971 йилда 1 миллион 570 минг сўм соф фойда олишни режалаган эдик. Амалда 2 миллион 464 минг сўм соф фойда олдик. Машиналардан унумли фойдаланиш туфайли рентабелликни 67 процентга кўтардик. Мана шу мисолларнинг ўзигина пахтакорларимиз теримни комплекс механизациялаш соҳасида қунт билан иш олиб боришларини, механизаторларимиз бу ишда карвонбошилик қилишлари зарурлигини тақозо этади.

Ўзбекистон партия ва ҳукумати 1975 йилга бориб республикамиз бўйича пахтанинг ялпи миқдорини 5 миллион 200 минг тоннага етказиш, шундан 3-3,5 миллион тоннасини машиналарда териб олиш тадбирларини белгиладилар. Биз бу тадбирларни чин юракдан маъқуллаймиз. Совхозимизда Маҳмуд Юсупов, Холдор Нишонов, Мирзаахалил Оқбоев, Маматқул Жўраев каби донгдор механик ҳайдовчилар бор. Улар билан маслаҳатлашиб ҳар биримиз 8-10 кишини шогирдликка оладиган бўлдик. Механизация мактабларида юзга яқин ёшлар ўқитилади. Шундай қилиб, совхозимизни комплекс механизациялашган хўжаликка айлантирамиз. Мен бу йил 500 тонна пахтани «зангори кема»ларда териш мажбуриятини оламан. Бу республика пахтакорларининг қурултойида қабул қилинган социалистик мажбуриятга амалий жавобим бўлади.

Холдор ХЎЖАЕВ,
Наманган область, Задарё районидаги «Гулбоғ» совхозининг механизатори.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ҲАСРАТ»

«Совет Ўзбекистони»нинг шу йил 18 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган фельетонда Хива районидаги Крупская номли колхозда чорва моллар қишловига яхши тайёргарлик кўрилмагани, озуқа етарли жамгарилмагани, натижада мушкул аҳвол юз бергани ҳақида ёзилган эди.

Фельетон юзасидан Хива район партия комитети текшириш ўтказган. Текшириш район партия комитетининг бюро мажлисида муҳокама қилинган.

Фельетонда кўрсатилган фактлар тасдиқланган. Ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараганлиги, ферма ходимлари устидан етарли назорат олиб бормаганлиги учун ферма мудири Р. Полвоновга виговор эълон қилинган.

Чорвачилик соҳасига кам эътибор берганликлари ва фермаларнинг иши устидан назоратни бўшаштириб юборганликлари учун колхоз правлениеси раиси Ж. Ҳусанов ва партия комитетининг секретари С. Ҳаитов ўртоқлар қаттиқ огоҳлантирилган. Колхоз правлениеси ва партия комитетига чорвачилик соҳасида йўл қўйилган камчиликларни тезда бартараф қилиш тадбирларини белгилаш топширилган.

ТОМДИ ЯЙЛОВЛАРИДА

Томди яйловлари... Поёни кенг қирларнинг бағри аста-секин уйғонмоқда. Қаҳратон қиш совуғида ерга беркинган кўкатлар аста-секин барг ёзиб, баҳор қуёшини табриклаб тургандай. Қўй-эчкилар қирларни тўлдирган.

— Энди буёғи чин кўклам, совуқнинг кучи кетди. Чорва энди яйрайди, — дейди Томди район «Жана шаруа» колхозининг бош чўпони Еспен Сейденов.

Еспен билан Қувониш Сейденовлар иккови ака-ука. Еспен эса бош чўпон, Қувониш эса акасининг ёрдамчиси. Бу икки азамат колхоз чорвачилигини ривожлантиришда бошқалар қатори жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Биргина ўтган йилни олайлик: бу ака-ука чўпонлар ҳар юз бош совлиқдан 135 тадан қўзи олишга муяссар бўлдилар. Қўй-қўзиларни қишдан бехатар олиб чиқдилар, ўз отарларидаги 700 бош совлиқнинг бирортасини совуққа олдирмадилар. Бу йил эса яна янги юксак марраларни кўзлаб туришибди. Ҳар юз бош совлиқдан камида 140 тадан қўзи олишга бел боғлашган.

Шу кунларда совлиқлар бирин-кетин қўзиламоқда. Ака-ука чўпонлар эса қўзилатишни муваффақиятли тугаллаш учун шу долзарб кунларда тиниб-тинчимаётирлар.

Колхозда Боймахановларнинг довруғи кенг тарқалган. Мажид Боймаханов колхознинг биринчи фермасида бош чўпон. Коммунист чорвадорнинг отарида 760 та совлиқ бўлиб, ўтган йили у ҳар юз бош совлиқдан 147 тадан қўзи олишга эришган эди. Бу соҳада унга ёрдамчи чўпон бўлиб ишлаётган укаси Қосимча Боймаханов катта кўмак бериб келмоқда. Комсомол аъзоси Қосимча чорва туёғини кўпайтириш сирларини тажрибанор чўпонлардан ўрганмоқда.

Ўтган қишнинг ниҳоятда қаттиқ келиши баъзи бир чўпонларни шошириб қўйди. Лекин Боймахановлар бирорта совлиқнинг нобуд бўлишига йўл қўйишмади. Қўйлар қишдан тўла-тўкис ва соғлом олиб чиқилди. Бунда ака-ука чўпонларнинг хизмати катта.

— Бу йилги режаларимиз ёмон эмас. Ҳар 100 совлиқдан 150 тадан қўзи олишни мўлжаллаб турибмиз. Ҳозир совлиқларимиз қўзиляпти. Ишнинг боши ёмон эмас, — дейди Мажид Боймаханов.

Колхоз чорвадорлари бу ютуқларга яккаёлғиз ўзларигина эришаётганлари йўқ. Бунинг учун улар колхозни оталиққа олган ташкилотлардан ғоятда мамнундирлар. Айниқса улар Бухоро учувчиларидан ҳар доим миннатдор эканликларини гапирадилар. Учувчилар Томди районининг олисолис фермаларига қиш қировли кунларда ўз вақтида озуқа етказиб турдилар, озиқовқат маҳсулотлари, иссиқ кийимлар, дори-дармонлар келтирдилар. Қурувчилар эса кенг ва иссиқ бинолар қуриб бердилар. Учувчилардан звено командири Геннадий Зокиров, самолёт командири Владимир Пшеничников ва Вадим Гетманлар баъзи кунларда 2-3 мартадан чўпонларга зарур нарсаларни етказиб турдилар.

Республикамизда жамоат чорвачилигини ривожлантириш йўлида муҳим тадбирлар белгиланмоқда. Яқинда қишлоқ хўжалик илғорларининг республика қурултойида ҳам бу соҳада юксак марралар белгилаб олинди. Чунончи, йил охирига бориб, қора моллани 1 миллион 340 минг бошга, шу жумладан сигирларни 387 минг бошга, қўй ва эчкиларни 6 миллион 470 минг бошга етказишга қарор қилинди. Ҳар 100 бош қўй ва эчкидан 115 тадан қўзи ва улоқ олишга бел боғланди. Бу улкан вазифаларни бажаришда Томди районидаги «Жана шаруа» колхозининг меҳнатсевар чорвадорлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Суратларда: (юқоридан пастга) ёш чўпон, комсомол аъзоси Қосимча Баймаханов, Қувониш Сейденов ва чорвадорлар кўмакдоши бўлган учувчилардан Вадим Гетман, Владимир Пшеничников ва Геннадий Зокировлар.

Г. Ёқубов фотолари.

КЎЧМА УСТАХОНАЛАР

КЕГАЙЛИ. (Қорақалпоғистон АССР. (ЎзТАГ мухбири). «Ўзсельхозтехника» Кегайли район бирлашмасида айирбошлаш техника пункти очилди. Бу ерда ишлашга тайёр қилиб қўйилган тракторлар, тракторларнинг узеллари ва деталлари, электр асбоблар ва бошқалар бор. Хўжаликлар ўзларининг ишдан чиқиб яроқсиз бўлиб қолган агрегатлари ва узелларини бу ерга олиб келиб янгиларига айирбошлаб олиб кетишлари мумкин. Кўкламги экиш бошлангунча Амударё районида ҳам мана шундай техникавий хизмат кўрсатиш пункти ишга тушади.

* * *

«Ўзсельхозтехника» республика бирлашмасида ЎзТАГ мухбирининг юқоридаги хабари тўғрисида бундай дейишади:

— Ҳозир Ўзбекистонда 80 тадан кўпроқ қишлоқ районларида мана шундай айирбошлаш пунктлари ишлаб турибди. Бу йилнинг охиригача ҳамма районларда шундай пунктлар ташкил этилади. Колхоз ва совхоз механизаторлари пахта териш машинасининг чўткасидан тортиб бақувват «Т-4» тракторигача зарур нарсаларнинг ҳаммасини шу пунктлардан топишлари мумкин.

Айирбошлаш фонди ҳар доим тўлдириб турилади. Бу пунктлар «Ўзсельхозтехника»нинг барча ремонт корхоналари билан алоқа боғлаб ишлайдилар. Қишлоқ заводлари ихтисослаштиришни кенг жорий қилиб, ремонт ишларининг энг янги технологиясини қўлланиш, ремонт сифатини ошириш имкониятига эга бўладилар.

„УЧАР БАЁТИ“

ФЕЛЬЕТОН

Театр зали. Елкама-елка ўтирган томошабинларнинг кўзи саҳнага қадалган. Конферансье пилдираб саҳнага чиқади:

— Шундай қилиб, ўртоқлар, ҳазил қўшиқлардан эшитдингиз.

Репертуарим бой. Қай бирини айтай. Келинг, яхшиси олти киши тўғрисида гапира қолай. Қулоқ солинг. Мен уларнинг иш фаолиятидан фақат бир йиллигини сўзлаб бераман.

М. Зарубина — филармониянинг бош бухгалтери. У театрнинг қон томири, юраги. Ходимларнинг маошини бор қиладиган ҳам, оширадиган ҳам, йўқ қиладиган ҳам ана шу ҳазрати олиялари. Унинг қўлларида ҳамиша чўт ўйнайди. Агар чўт сал нотўғри уриб юборилса борми, бировнинг уйи куяди-ю, бировнинг чўнтаги тўлади, деяверинг. Масалан, олайлик артистлардан Д. Жабборова, Р. Кокуриева, Қ. Дўстмуҳамедова, сингаларга белгилаб қўйилган 90—100 сўм ўрнига шартта 130 сўмдан маош тўлаб юборса бўладими?

Бу ҳақда Зарубина тайёрлаб берган ҳужжатга раҳбарлар ҳам чамбарак қилиб имзо чекиб юборишган. Ахир, ўйлаб кўринг, 1970 йил 1 мартдан 1971 йил 1 мартга қадар уларнинг ҳар бирига 350 — 400 сўмдан давлатнинг ошиқча пули тўланган бўлса, кўнглинг ранжимайдими? Бундай сахийлик оқибатида давлатнинг 6 минг 950 сўм 15 тийини кўкка совурилди.

СССР Министрлар Советининг санъаткорларга маош тўлаш ҳақида чиқарган қарорига хилоф иш қилинибди-да, дейишингиз мумкин. Тўғри!

Энди икки оғиз сўз депонентлар ҳақида. Уларнинг тақдири ҳам Зарубина билан боғлиқ. Одатда, ишчи-хизматчилар ойлик маошларини вақтида олишмаса, бухгалтерияда депонентга ўтказиб юборилади. Бир йил давомида 27 кишининг 1608 сўм маоши депонентга ўтказилган эди. Бироқ, бу шахслар ишдан бўшаб кетгач, ведомостлар тузилди-ю, кассир билан бош бухгалтер сохта имзолар қўйиб, пулларни ўмариб юборди. Шу билан бош бухгалтернинг ҳикояси тамом!

Ц. Бромберг — Билет столининг бошлиғи. Билетларнинг қулф-калити унинг қўлида.

Хўш, билет хўжалигида қамчилик ва нуқсонлар, ноаниқликлар ва кўзбўямачилар бўлиши мумкинми, дерсиз? Бўлганда қандоқ! Концерт бўладиган кунлари Бромберг ўзи қабул қилиб олган билетларни кассир ва билет тарқатиш бўйича тайинланган махсус вакил — администраторга тарқатиши шарт! Сотилмай қолган билетлар эса акт қилиниб, ҳисобдан чиқариб ташланади. Лекин, у билетларни орадан сал вақт ўтказиб, пуллаб юборса-чи? Жуда тўғри! Чиндан ҳам шундай бўлган. Масалан бир йил давомида сотилмай қолган 6332 та билетни тўққиз марта акт қилиб, яна пуллашди. Шунинг оқибатида давлатга 10580 сўм 10 тийин зарар келтирилди.

А. Мақсудов — билет тарқатиш бўйича ишончли вакил. Филармониянинг концерт бригадалари гастролга чиққанида, мана шундай кишилардан бири билет тарқатиш бўйича вакил қилиб юборилади. Жойларда концерт берилгайлиги ҳақида улар қандай ҳужжат топширишса, бухгалтерия ҳам, театр маъмурияти ҳам чўрқ этмай қабул қилаверади. 1970 йилнинг 21-23 октябрида филармониянинг концерт бригадаси Косон районидаги Ленин номли колхозда бўлди. Колхоз правлениеси кўрсатилган концерт учун нақд 1200 сўм санаб берди. Бригада Тошкентга қайтгач, Мақсудов «клубидан фойдаланганимиз учун колхозга 120 сўм тўладик» деб бухгалтерияга сохта ҳужжат топширди. Аслида артистлар колхоз клубида эмас, очиқ майдонда концерт беришган эди. Бунга колхоз правлениесидан олинган тушунтириш хати далил бўла олади.

В. Пухлевич — филармония марказий кассасининг кассири. Авваллари у бухгалтер эди. Бундоқ қараса, кассирлик штати бўш. Ҳамтовоқлари билан оғиз-бурун ўпишиб, 1970 йил 1 октябридан бошлаб кассирликни ҳам қўлига олди. Унинг ошғи олчи! Бухгалтерлик учун 70 сўм, кассирлик учун 60 сўм тушаверади. Агар ундан бирор киши: «Ўртоқ Пухлевич, икки вазифада ишлаганингиз учун қонунга мувофиқ бирига 50 процент ҳақ олишингиз керак», — деб қолгудек бўлса, у: «Қонунинг билан нима ишим бор уддалабманми, қойил бўлишинг керак», — дея ўшқиради. Кассирлик фаолиятида Пухлевич давлатга 388 сўм 35 тийин камомад келтирди, лекин бош бухгалтер М. Зарубина йўлини топди. Акт тузди-ю, унинг зиммасидаги қарзни осонгина соқит қилди. Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, деб шунга айтадилар-да!

Я. Герсун — бу топилмас одам туғилган-у, пулни кўрган. Пул деса, ўзини томдан ташлашдан ҳам тоймайди. Яна унинг вақтни чўзмадай чўзиш борасида «рационализаторлик» қилганини айтмайсизми? У ўзининг мана шу «ихтироси» бўйича бир йўла тўрт вазифада ишлашга аҳд қилди. Филармониянда машинист, Тошкент Давлат консерваториясида механик, Ленин районидаги 13-ЖЭКда слесарь, Тошкент политехникумида эса машинист бўлиб олди. Унинг ўртача ойлик маоши 315 сўм! Тўрт жойда ишласа тўртта меҳнат дафтарчаси бордир, деб ўйларсиз? Йўқ, атиги иккита. Бири филармониянда, бири консерваторияда! Биласиз, бир кеча-кундуз 24 соат, унинг иш суткаси эса 33 соат бўлибди. Қойил-е!

Сўнгги сўз **С. Пўлатов** хусусида. Бу киши — филармониянинг директор ўринбосари! Коллективнинг фойда-ю, зарарида «ҳиссаси» бор. Мабодо, С. Пўлатов: «Коллектив муваффақиятларига шерикман-у, нуқсонларидан нариман» — деб ўзини сутдан оқ қилиб кўрсатса, ишонманг!! Негаки, ўзбошимчалик билан артистларнинг ойлигини оширишда, депонентлар хусусида, билет хўжалиги бўйича тузилган ҳар қандай акт ва ясама ҳужжатларга имзо чекишда ўзини кўрсатди.

Шундай қилиб денг, асаримиздаги барча катта-кичик қаҳрамонларимиз иштирокида йил давомида давлатнинг 31 минг 483 сўм 41 тийини сувга оқизилди.

— Жуда тўғри! — томошабинлар давомли қарсаклар остида конферансьенинг фикрини тасдиқлашди.

Конферансье сўзида давом этди:

— Кунларнинг бирида қутилмаганда филармонияга Ўзбекистон ССР Молия министрлиги контроль-ревизион бошқармасининг Тошкент шаҳри бўйича старший контролёр-ревизори С. Нуриддинов, контролёр-ревизор Х. Шарафуддинов ўртоқлар келиб қолишса бўладими?! Улар Ўзбекистон ССР Давлат филармонияси ва Ўзбекистон Давлат эстрадаси Бирлашган дирекцияси молия-хўжалик ишларининг 1970 йил февралидан 1971 йил мартигача бўлган фаолиятини ипидан игнасигача текширишди.

«Қаҳрамон»ларимизнинг юрагида зилзила! Улар даг-даг титраб, у ер-бу ерга тўпланиб, ўзаро шивирлашарди. Қандоқ бўлса ҳам сувдан қуруқ чиқиш керак! Бўлмаса, ишлари чатоқ. Ўйлаб-ўйлаб бош бухгалтер йўл топди: «Менинг ўғлим Москвада касал, беш кунга рухсат берсаларинг, кўриб келсам», — деб бошлиқлардан рухсат олди-да, жўнаб қолди. М. Зарубина шу кеттанча қорасини кўрсатмади. Ундан сўнг кассир В. Пухлевич ҳам ўз аризасига мувофиқ осонгина ишдан бўшаб кетди. Эндиги навбат директор ўринбосари С. Пўлатовга! Дўпписини олиб, бундоқ ўйлаб қараса, Зарубина ҳам, Пухлевич ҳам йўлини қилиб, қўлини қўлтиққа урибди. Хўш, ўзи нима қилиши керак? Осонгина йўл — ўз хоҳиши билан ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзиш-да! Шундай қилиб, у ҳам ишдан бўшаб кетди.

Энди бир йил давомида давлатга келтирилган 31483 сўм 41 тийин зарарни улардан ким ундириб олади? Кўзбўямачиларга қандай чора кўриш керак? Шу билан «Учар баёти» тамом. Эътиборингиз учун раҳмат.

Хўш, бунга Ўзбекистон ССР Маданият министрлигидаги шу ишга жавобгар бўлган ўртоқлар нима деркинлар?

Ашурали АҲМЕДОВ.

ҲАЁТ БОҒБОНЛАРИ

(ХАТЛАРНИ ЎҚИБ)

«Педагоглар бизнинг Иттифоқда энг ҳурматли кишилардир», — деб ёзган эди А. С. Макаренко. Ҳақиқатан ҳам шундай. Ёш авлодни тарбиялаб вояга етказишдек масъулиятли вазифа уларга ишониб топширилган.

Миллионлар қалбига нур, онгига шуур бахш этган, оқу қорани танитиб, катта камолот йўлига бошлаган ҳаёт боғбонлари — ўқитувчиларнинг беминнат олижаноб меҳнатини мадҳ этувчи хат-хабарлар редакциямизга кўплаб келиб турибди.

— Ёшларни илм зиёсидан баҳраманд қилиб келаётган тажрибали педагог, Ленин ордени кавалери Абдулла ака Нурматов ҳусусидаги фикрим икки-уч кузатувдан ёки кишилар берган таъриф туфайли эмас, албатта. Мен ҳам ана шу меҳрибон муаллим ишлаётган илм даргоҳида кўп марта бўлганман, унинг раҳбарлик ва ташкилотчилик фаолияти билан яқиндан танишганман.

«Бир соатлик яхши дарс — яхши бир асардир» — деган эди доҳиймиз В. И. Ленин. Фориш районидаги 12-ўрта мактаб директори Абдулла ака Нурматов 36 йиллик педагогик фаолиятини, ҳаётининг энг кучга тўлган завқли онларини ана шундай энг яхши дарслар учун бағишлади. Доҳий таъбири билан айтганда, у яратган неча ўн минглаб асарлари қанчадан-қанча илмга чанқоқ дилларни оби-ҳаётдек қондиримади, дейсиз. Унинг қўлида ўқиб фан негизларини чуқур ва пухта эгаллаган кўплаб йигит-қизлар бугунги кунда коммунистик қурилишнинг турли участкаларида мардонавор меҳнат қилишяпти.. Фориштик газетхон Х. Бозоров редакциямизга йўллаган мақоласида элда обрў қозонган халқ ўқитувчиси, жонкуяр маорифчи А. Нурматов ҳақида тўлқинланиб ёзади.

Абдулла Нурматов сингари ўз касбининг моҳир устаси, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлиб келаётган ўқитувчилар республикамизнинг ҳар бир мактабидан топилади. Хатирчи районидаги генерал Собир Раҳимов номли 23-ўрта мактаб директори Т Файзиев, Термиз шаҳридаги Карл Маркс номли мактаб ўқитувчиларидан А. Сидоренко, Т. Черних, Наманган районидаги 63-бошлангич мактаб илмий мудири Х. Каримовларнинг ёш авлодга таълим-тарбия беришда жонбозлик кўрсатиб ишлаётганликлари газетхонлардан Н. Умаров, К. Қўлдошев, Н. Холиқовларнинг хат-хабарларида ўз аксини топган.

Редакциямизга мактуб йўллаган пайариқлик А. Маллаев, Ленинск шаҳарлик Ҳ. Қурбонов ва бошқалар эса ёш авлод таълим-тарбияси ҳусусида ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этишган.

— Ҳасанбой яхши ўқитувчигина эмас, моҳир пропагандист ҳамдир, — деб ҳикоя қилади фарғоналик газетхон Э. Хўжаев ўз мақоласида. — Маълумки, КПСС XXIV съезди совет ўқитувчилари зиммасига улкан вазифалар юклади. Бундай вазифалардан бири партиямизнинг съезд ва Пленумлари материалларини халқ орасида кенг тарғиб-ташвиқ қилишдан иборат. Айниқса, СССРнинг 50 йиллик юбилейига қизғин ҳозирлик кўрилаётган ҳозирги дамларда Ленинград районидаги 38-ўрта мактабнинг химия-биология ўқитувчиси Ҳасанбой Ўринов бунга яқиндан ҳис этган ҳолда сиёсий ахборотчи деган шарафли номга яраша иш тутяпти.

* * *

Кунни тунга улаб, меҳнатсевар халқимиз соғлиғини кўз қорачиғидек асрашга бел боғлаган қалби қўёш шифокорларимизнинг олийжаноб хислатлари ҳақида ҳикоя қилувчи, уларга «Раҳмат айтсангиз...» деган дил сатрлари битилган мактублар ҳам редакциямизга кўплаб келиб турибди. Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган Қодир ота Усмонбеков ўз хатида пойтахт область онкологик диспансерининг бир гуруҳ шифокорларига миннатдорчилик билдиради.

Оққўрғонлик газетхон Исванди Карим ўғли Алимкент қишлоқ посёлкасидаги дорихона аҳолига намунали хизмат қилаётгани ҳақида ҳикоя қилса наманганлик У. Маҳмудов эса Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институти клиника касалхонаси шифокорларининг беморлар дардига малҳам бўлишаётганини мадҳ этишади. Газетхонлардан С. Файзуллаев (Тошкент), Х. Отамуродов (ҚҚАССР), Р. Темирбоев (Тожикистон), Т. Ўрунов (Чирчиқ), С. Сайдорипов (Тошкент области). Н. Ҳолмирзаев (Самарқанд), С. Ҳакимова (Андижон) ва бошқаларнинг хат-хабарларида ҳам медицина мавзуига қўл урилган.

...Область касалхонасининг қулоқ-томоқ-бурун касалликлари бўлимига 11 ёшли Ўткиржон исмли бемор болани келтиришди. Аҳволи бирмунча оғир эди. Боланинг қулоғи шамоллаши оқибатида миянга ҳам қисман зарар етибди. Жарроҳ эҳтиёт билан беморни операция қилишга киришди.

Эртасига ўзини кенг ва ёруғ хонада кўрган Ўткиржон тўйиб-тўйиб эркин нафас оларди. Халоскор врач Ҳайдаржон Ниёзов унинг тепасида жилмайиб турарди.

Қашқадарёлик газетхон М. Холмуродов редакциямизга йўллаган мактубида Қарши шаҳридаги область касалхонасининг моҳир жарроҳи Х. Ниёзов ҳақида ана шундай ҳикоя қилади.

Ўз касбини ардоқлаб, элга ҳалол хизмат қилаётган бундай шарафли касб эгалари бир умрга халқ қалбида яшаши табиий. Редакциямизга «Раҳмат айтсангиз..». сарлавҳаси остида келиб турган хат-хабарлар фикримизнинг яккол далили бўла олади.



БАНГЛАДЕШ. Европадаги социалистик мамлакатлар урушдан зарар кўрган Бангладеш халқига биринчи бўлиб ёрдам қўлини чўздилар. Суратда: ГДРдан келган самолётдан юк тушириш. ТАСС фотохроникаси.

КУБА. Мамлакатда шакар қамиши ўрими қизғин олиб борилмоқда. Ёмғир мавсуми бошлангунга қадар барча майдонлардаги шакар қамишини ўриб олиш ва заводларга топшириш шу куннинг асосий вазифасидир. Суратда: Орьенте вилоятида шакарқамиш ўрими. Е. Алексеев фотоси, (ТАСС).

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР.

ВЕНГРИЯ СОЦИАЛИСТИК ИШЧИ ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

БУДАПЕШТ, 16 март. (ТАСС). Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Кадар раислигида кеча бу ерда Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди.

Марказий Комитет Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг секретари З. Комочининг актуал халқаро масалалар тўғрисидаги ахборотини муҳокама қилиб, маъқуллади. Пленум Венгрия Халқ Республикаси конституциясини ўзгартиришнинг Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг секретари Б. Биску тақдим этган асосий принципларини кўриб чиқиб, тасдиқлади.

ДЎСТЛИК ВИЗИТИ

КОБУЛ, 15 март. (ТАСС). Афғонистон Бош министри Абдул Зоҳирнинг Москвага қилган визити Афғонистон жамоатчилиги ва матбуотининг диққат марказида турибди.

«Кабул таймс» газетаси ўзининг бош мақоласида бундай деб таъкидлайди: Афғонистон Бош министрининг Москвага қилган сафари ярим асрдан бери дўстона муносабатларда бўлиб келаётган икки қўшни давлат раҳбарларининг ўзаро визитларининг давомидир. Бу визитларнинг натижалари Афғонистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларнинг риоожланиб бораётганини кўрсатади.

Совет Иттифоқи, дейилади, сўнгра мақолада, Афғонистон иқтисодий тараққиёти беш йиллик планларини бажаришда қатнашди. Саланг довони орқали қурилган йўл, Тургунди—Ҳирот — Қандаҳор, Пули — Хумри — Мозори Шариф — Маймана ўртасидаги йўллар, Нанграхор вилоятидаги ирригация системалари, Кобулдаги политехникум ва техникум, Мозори Шарифдаги теплоэлектроцентрал — ана шуларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқи Афғонистонга берган ёрдамининг мисолларидир.

АГРЕССОРЛАР ҚОРАЛАНМОҚДА

ХАНОЙ. (ТАСС). Вьетнам Демократик Республикасининг миллат мажлисида мамлакатни бирлаштириш ишлари билан шуғулланувчи комитетнинг мажлиси бўлди. Бу мажлисда Вьетнам халқининг АҚШ агрессиясига қарши ватанпарварлик кураши қандай вазиятда ўтаётганлиги қараб чиқилди.

Комитет Жанубий Зьетнам халқ озодлик қуролли кучлари эришган ғалабаларни табриклади ва Жанубий Вьетнам шаҳарлари аҳолисининг ватанпарварлик кураши кучайиб бораётганлигини қайд қилди.

Мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, Америка ҳарбийлари мағлубиятга учраётганлигига қарамай, агрессия йўлни зўр бериб давом эттирмоқдалар, Жанубий Вьетнам территорияси кенг кўламда бомбардимон қилмоқдалар, заҳарли химиявий моддаларни таркатмоқдалар. АҚШ самолётлари Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишда давом этмоқдалар. Бунинг натижасида аҳоли ўртасида кўп қурбонлар бор.

АҚШ Вьетнам халқига қарши ўтакетган жиноятлар қилаётганлигини таъкидлаб, Комитет Вьетнамдаги урушни кучайтираётганлиги учун Америка империалистларини кескин қоралади.

Комитет Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг Вьетнам проблемасини ҳал этиш тўғрисидаги 7 моддадан иборат мантиқий ва ҳаққоний таклифига жиддий жавоб беришни АҚШ ҳукуматидан талаб этди.

УЗОҚ ШАРҚДА КЕСКИНЛИК ЎЧОҒИ

ТОКИО. (ТАСС). Окинавани қайтариб бериш тўғрисидаги битимнинг ратификация қилинган ёрлиқлари алмашинуви муносабати билан Японияннг ҳамма қисмида оммавий норозилик митинглари ва намойишлари кучайиб кетди. Бу митинг ва намойишларда юз мингга яқин киши қатнашди. Неча ўн мингдаб намойишчилар ратификация ёрлиқлари алмашинган бош министр қароргоҳи олдидан ўтишди. Улар Америка қўшинлари Окинавадан олиб чиқиб кетилсин, бу орол тинчлик зонасига айлантирилсин ва Қўшма Штатлар билан тузилган ҳарбий иттифоқ бекор қилинсин, деб қатъий талаб этдилар.

Окинаванинг Япония маъмурий контролига топширилиши бу оролдаги Америка базаларининг мавқеини ўзгартирмайди. Пентагон бундан буён ҳам Окинавадан Ҳинди-Хитойда агрессив уруш олиб бориш учун плацдарм сифатида фойдаланаверади. Шу сабабли мамлакатдаги кенг халқ оммаси ва демократик кучлар Окинавани шу тариқа қайтариб бериш тўғрисидаги битимга актив суратда қарши чиқмоқдалар ва бу битим Японияни Узоқ Шарқ, Шарқи-Жанубий Осиё районида Америка сиёсатини ўтказишга янада кенгроқ жалб этади, деб ҳисобламоқдалар.

Окинава Осиёда кескинлик ўчоғи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда.

Ҳиндистонда парламент сайловларининг якунлари

ДЕҲЛИ 16 март. (ТАСС). Мамлакатнинг 16 штати ва иккита иттифоқ территория қонун чиқарувчи мажлисларига ўтказилган сайлов якунланди. Ҳиндистон Миллий Конгресси ҳукмрон партияси катта ғалаба қозонди. Бу партия вакиллари 2727 депутатлик мандатидан 1925 мандат олишди. Бош министр Индира Ганди бошчилик қилаётган Ҳиндистон Миллий Конгресси Ҳиндистоннинг 11 штатида ва Деҳли иттифоқ территориясида мутлоқ кўпчилик овоза эга бўлди.

Ўнг реакцияга қарши курашда барча сўл ва демократик кучларни янада жипслаштириш шиорини илгари сурган Ҳиндистон Коммунистик партияси ҳам сайловда ғалаба қозонди. Меҳнаткашлар оммаси манфаатларини изчиллик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган ҳинд коммунистларининг сайлов олди манифестини 112 округда Ҳиндистон Коммунистик партиясининг номзодлари учун овоз берган сайловчилар қўллаб-қувватлашди.

Икки юздан сал кўп ўрин олган ўнг партиялар, шу жумладан 105 ўрин олган, реакцион диний-жамоат мазҳабидаги «Жан Сингх» ташкилоти қақшатқич мағлубиятга учради. Шундай қилиб, ҳинд сайловчилари ўнг оппозициянинг мамлакатнинг чинакам тараққиёт йўлидан қаракат қилишига тўғоноқ бўлишга қаратилган сиёсатини қатъий рад этдилар. Бўлиб ўтган сайлов кенг халқ оммасининг тараққиётга, барча халқлар билан дўст бўлиб тинчликда яшашга астойдил интилаётганлигини кўрсатди.

ЯПОНИЯДАГИ МАОЧИЛАР

ТОКИО, 15 март. (ТАСС). Япония Компартиясининг Марказий органи «Акахата» газетаси маочиларнинг «Рэнго сэкигун» ташкилоти фаолиятини қоралаб чиқди.

Бултур йил охирида Токиода ва мамлакатнинг бошқа бир қанча шаҳарларидаги кўчаларда, кинотеатрларда ва жамоат тўпланадиган бошқа жойларда бир қанча портлашлар рўй берди. Полиция теа орада жиноятчиларнинг изига тушди. Бу ишларни «Рэнго сэкигун» ташкилотининг аъзолари қилган бўлиб чиқди. Улар тинтув қилинганида қурол, Пекинда нашр этилган «революцион» адабиёт, цитаталар тўплами ва бошқа нарсалар топилди.

Жиноятчилар қамоққа олинганларидан кейин айтганлари Японияни ларзага солди Қамоққа олинганлар ўз фаолиятларида Пекин даъват этаётган йўлга амал қилганликларини яширмадилар. Маочи группаларнинг аъзолари Пекинга таклиф этилиб, тантана билан қабул қилиб олинганлар. Японияда шундай йўлга қўшилмаган кишилар устидан ташкилот суди уюштирилган.

Маочи унсурлар демократик кучлар ва меҳнаткашларнинг ҳар қандай намойиши, митинги, қурашини бузорилар муштлашувига, полиция билан қонли олишувга айлантиришга ҳаракат килиб, ўзларининг ҳатти-ҳаракатларини энг олий кураш формаси деб билганлар. Улар Хитойдаги «улуғ маданий революция» даврида ўзларининг фаолиятларини айниқса активлаштирганлар.

«Рэнго сэкигун» ташкилотининг Пекиндан рағбатлантирилаётган иғвогарлик ҳаракатлари, деб ёзади газета, япон халкини қаҳр-ғазабга келтирди. Пекиндаги сохта революцион назариялар ва иғвогарлик чақириқлари нималардан иборат эканлиги ва нималарга олиб келишини Японияда кўп кишилар «Рэнго сэкигун» ташкилоти аъзоларининг фаолияти мисолида кўриб билдилар. Ушбу группаларнинг иғвогарлик ва террорчилик ҳаракатлари, деб таъкидлайди «Акахата» газетаси Хитой йўлидан кўр-кўрона бориш пировардида халққа қарши жиддий жиноятлар қилишга олиб келишидан далолат беради.

И. ГАНДИНИНГ МУРОЖААТИ

ДЕҲЛИ, 16 март. (ТАСС). ПТИ агентлиги хабар беради: Ҳиндистон бош министри Индира Ганди штатларнинг қонун чиқарувчи мажлисларига депутат қилиниб сайланган конгрессчиларга қилган мурожаатида сайловларда Конгресс ғалаба қозонганлиги демократия ва социализм принципларига асосланган сиёсатимизнинг ғалабаси бўлди, деди.

Бизнинг олдимизда, деди Индира Ганди, жуда муҳим проблемалар турган бўлса ҳам, аммо «биз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсак» бу проблемаларнинг хаммаси муваффақиятли ҳал этилиши мумкин. Ҳиндистон халқи, деди сўнгра бош министр, Конгресс учун овоз берди, эндиликда бизнинг вазифамиз сайловчиларнинг ишончини оқлашдан иборат бўлади.

Тошкентда ер қимирлади

Кеча маҳаллий вақт билан соат 15 дан 17 минут 35 секунд ўтганда Тошкентда ер қимирлади. Унинг кучи 5 баллга етди. «Тошкент» марказий сейсмик станциясининг берган дастлабки маълумотларига кўра, зилзила маркази Тошкентдан 160 километр жанубда, Туркистон тизма тоғларининг шимолий қисмида юз берган. Шунингдек, ер силкинишлари Душанбе, Самарқанд ва Андижонда 3-4 баллга етди. Ер қимирлаш кучи зилзила марказида 6-7 балл бўлгани аниқланди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

20 МАРТ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.55 — МОСКВА. СССР касаба союзлари XV съездининг очилиши, 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — Ёшлар ижоди, 18.25 — Совет Армияси жангчилари учун, 18.45 — Республика ёш механизаторлар слети қатнашчилари — студиямиз меҳмони, 19.15 — Республикамиз саноатида — НОТ, 19.45 — Ахборот, 20.00 — МОСКВА. 20.30 — ТОШКЕНТ, 21.30 — Оламда нима гап? 22.00 — Ягона оилада, 23.00 — МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

13.15 — МОСКВА. 18.20 — Янгиликлар, 18.30 — Ўқувчилар учун кўрсатув, 19.00 — Китоб жовони, 19.30 — Музикали кўрсатув, 20.00 — Кинофильм, 20.30 — **Хайр, кабутарлар** (бадиий фильм), 22.00 — Телефильм, 22.30 — Концерт.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — **ДУШАНБА КУРСАТУВЛАРИ.**

21 МАРТ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — «Бойчечак», 18.35 — «Сиҳат-саломатлик» 19.00 — Ахборот, 19.10 — Кўзилатиш — муҳим палла, 19.45 — Ахборот, 20.00 — Миллионлар ленинча университети, 20.30 — **Наврўз байрами,** 22.00— МОСКВА. СССР касаба союзлари XV съездида. 22.30 — ТОШКЕНТ. Хоккей: «СПАРТАК» (Тошкент) — «ВИМПЕЛЬ» (Междуреченск).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

10.50 — ТОШКЕНТ. 10.55 — Янгиликлар, 11.05 — Концерт, 11.30 — Ҳужжатли фильм, 12.25 — МОСКВА. 12.30 — Янгиликлар, 12.45 — Моҳир қўллар, 13.15 — **Салом, Мария** (бадиий фильмнинг 1, 2-серияслари), 15.25—Таниш куйлар, 16.10 — Шахмат мактаби, 18.20 — Янгиликлар, 18.30 — Мультфильм, 18.45 — СССР касаба союзлари XV съезди делегатлари ҳиқоя қилади, 19.00 — «Здоровье», 19.30 — Телефильм, 20.00 — Ҳужжатли фильм, 20.30 — **Дарахтлар катта бўлганда** (бадиий фильм), 22.00 — ТОШКЕНТ.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 21.50 — Фильм-концерт,

22 МАРТ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — Янгиликлар, 11.10 — **Шахсий молоҳаза** (бадиий фильм), 12.30 — МОСКВА. 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — Мультфильм, 18.10 — Концерт, 18.40 — Ишчи — фахрли ном, 19.00 — Ахборот, 19.15 — **Эргаш Жумонбулбул** туғилган кунинг 100 йиллиги олдидан, 19.45 — Миллионлар ленинча университети, 20.00 — Концерт, 20.40 — Ахборот, 21.00 — Наврўз тароналари, 22.00 — МОСКВА. СССР касаба союзлари XV съездида, 22.30 — **Футбол:** «ДИНАМО (Москва) — «ЦРВЕНА ЗВЕЗДА» (Югославия).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 17.45 — МОСКВА. 17.50 — Янгиликлар, 18.00 — Ўқувчилар учун кўрсатув, 18.30 — Уралликлар, 19.00 — Концерт, 20.00— Фан-ишлоқ хўжалигига, 20.30 — **Таможня тинтуви** (бадиий фильмнинг 1- 2- 3-серияслари), 21.45 — Ҳужжатли фильм, 22.00 — ТОШКЕНТ. Мардлик мактаби, 22.25 — **Бегубор эрмаклар** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 — **Футбол:** «ДИНАМО» (Москва) — «ЦРВЕНА ЗВЕЗДА» (Югославия), 20.45 — Ўқув кўрсатувлари.

23 МАРТ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

10.50 — ТОШКЕНТ. 10.55 — Янгиликлар, 11.05 — **Улар ўтолмайдилар** (бадиий фильм), 12.25 — МОСКВА, 17.25 — Янгиликлар, 17.35 — **Тўрт таничи ва ит** (бадиий фильмнинг 17-серияси). 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Мультфильм, 19.00 — Ахборот, 19.15 — **Алижон Хасанов куйлайди.** 19.45 — Ахборот, 20.00 — Миллионлар ленинча университети, 20.30 — Халқ контроли экрани, 21.00 — «ВУСТОН», 22.10 — Баҳорнинг бир куни бир йилга тенг, 22.30 — МОСКВА. СССР касаба союзлари XV съездида, 23.00 — Концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 18.30 — МОСКВА. 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.30 — МОСКВА. **Таможня тинтуви** (бадиий фильмнинг 4- 5- 6-серияслари), 21.45 — Волейбол мусобақалари, 22.30 — Перо ва кинокамера.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. Концерт, 20.30 — «Болалар дунёси» сизга мунтазир (реклама), 20.45 — **Ворислар** (бадиий фильм).

24 МАРТ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар, 10.10 — **Дадам капитан** (бадиий фильм), 11.25 — Севимли саройимиз, 12.25 — МОСКВА. Янгиликлар, 12.40 — Ёшлар ижоди, 13.30 — Мультфильм, 14.00 — **Тўрт таничи ва ит** (бадиий фильмнинг 18- 19-серияслари), 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — Мультфильм, 18.10 — Ўқувчилар учун кўрсатув, 18.50 — Шеърият мухлисларига, 19.05 — Ахборот, 19.20 — «Ноннеъмат бунёдкори», 20.00 — МОСКВА. 20.20 — ТОШКЕНТ. Қардош халқлар адабиёти. **М. С. Урдубодий** (ижодий портрети) ,20.40 —Ахборот, 22.00 — «Вақт», 22.30 — **Ўғил бола гап** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 17.20 — МОСКВА. 20.00 — ТОШКЕНТ. Спортлото. 20.20 — МОСКВА. **Таможня тинтуви** (бадиий фильмнинг 7 -8- 9-серияслари), 21.40 — Фильм-балет, 22.00 — ТОШКЕНТ.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. Тўқинда — 02, 20.30 — **Том Сойернинг саргузаштлари** (бадиий фильм).

25 МАРТ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.45 — ТОШКЕНТ. 9.50 — «Янгра, барабан», 10.30 — Концерт, 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар, 11.45 — Музикали киоска, 12.15 — **Кор малика** (бадиий фильм), 17.00 — ТОШКЕНТ. 17.05 — Мультфильм, 17.15 — Музикали кўрсатув, 17.55 — Ахборот, 18.10 — МОСКВА. «АҚШ: хавф ўнг томондан», 18.50 — КВН-72, 20.50 — ТОШКЕНТ. 21.05 — Оталар сўзи — ақлнинг кўзи, 22.00 — МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 17.00 — МОСКВА. 18.10 — ТОШКЕНТ. 18.40 — Кинопублицист экрани, 19.50 — Ахборот, 20.10 — Эстрада концерти, 20.50 — МОСКВА. 22.00 — **Хатарли парвоз** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.10 — **ДУШАНБА КУРСАТУВЛАРИ.**

26 МАРТ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.25 — ТОШКЕНТ. 9.30 — Музикали кўрсатув, 10.10 — Шоирлар болаларга. **Миртемир,** 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар, 11.15 — «Будильник», 11.45 — «Здоровье» 12.15 — Концерт, 13.05 **Тўрт таничи ва ит** (бадиий фильмнинг 20-серияси). 16.40 — ТОШКЕНТ, 16.45 — Ахборот, 17.00 — **Хоккей:** «СПАРТАК» (Тошкент) — ПОЛЬША ТЕРМА КОМАНДАСИ, 19.45 — Ахборот, 20.00 — **Марҳабо, талантлар** (Бухоро области), 22.00 — «Вақт», 22.30 — **Ҳалоскорлик** (бадиий фильмнинг 1-серияси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

9.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 16.00 — МОСКВА. 18.30 — Киносаёҳатчилар клуби, 19.30 — Уралликлар, 20.00 — Спорт кўрсатувлари, 20.45 — **Кумуш карнайлар** (бадиий фильм), 22.00 — ТОШКЕНТ. 22.20 — Врач маслаҳати, 22.30 — МОСКВА. Шоир **Роберт РОЖДЕСТВЕНСКИЙ**нинг авторлик кечаси.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.05 — **ФРУНЗЕ КУРСАТУВЛАРИ.**

КУБОК АЖОЙИБОТЛАРИ

Утган куни ва кеча СССР кубоги учун нимчорак финал учрашувлари бўлиб ўтди. Чинакам кубок командаси номини олган Львовнинг «Карпати» футболчилари ниҳоят 19 минут ичида Одессанинг «Черноморец» дарвозасига кетма-кет уч тўп киритиб, чорак финалга чиқиб олишди.

Қарағанданинг «Шахтер» командаси Тбилисининг динамочилари билан ғарчи фахрли дуранг қилган бўлсалар ҳам, доғда қолишди. Чунки олдинги учрашувда ютқазиб қўйишган эди. Москва автозаводчилари Днепропетровскда «Днепр» дарвозасига ўйининг 3-минутидаёқ ғалаба тўпи киритиб, чорак финалга чиқиб олишди. Москва спартакчилари Запорожьеда «Металлург»га 1:2 ҳисобида ютқазган бўлсалар-да, олдинги учрашувда йирик ҳисобда ютганлари учун чорак финалга чиқишди.

Ҳаммадан ҳам Ростов-Дондаги учрашув мароқли бўлди. Бу учрашув нимчорак финалдаги энг узоқ давом этган ўйин ҳисобланади. Динамочилар олдинги учрашувда 1:0 ҳисобида устун келишган эди. Бу гал армиячилар худди шундай ҳисобда ютишди. Ўйин қондасига кўра, ярим соатлик қўшимча вақт берилди. Бўлмади. Шунда хар икки команда дарвозасига бештадан 11 метрли тўп белгиланди. Лекин командаларнинг ўйинчилари тўрттадан тўп киритиб, ажримни ҳал қила олмадилар. Яна бештадан 11 метрлик тўп урриш белгиланди. Шунда омад ростов-донликларга кулиб боқди: улар ҳамма бешта тўпни киритишди. СССР чемпионлари бўлса тўртта киритишди. Шундай қилиб, Ростов-Доннинг АСК командаси 10:9 ҳисобида ютиб, чорак финалга чиқди.

ТОМОШАЛАР. ЭЪЛОНЛАР. РЕКЛАМАЛАР.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Телеминиатюралар. 10.40 — Ҳужжатли фильм, 11.00 — МОСКВА, 16.45 — ТОШКЕНТ. Музикали кўрсатув, 17.15 — МОСКВА. Халқаро панорама 17.45 — Ҳайвонот оламида, 18.45 — ТОШКЕНТ, 19.00 — Эстрада концерти, 19.50 — Оламга саёҳат, 20.40 — АХБОРОТ, 20.55 — Ҳужжатли фильм, 21.20 — 72 кун (адабий театр), 22.00 — МОСКВА. 22.30 — ТОШКЕНТ. «Альбатрос»нинг сўнгги рейси (бадиий фильмнинг 4-серияси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 18.45 — МОСКВА, 18.55 — Эфирда — «Молодость», 20.00 — Тележурнал, 20.40 — Резидентнинг тақдири (бадиий фильмнинг 1-серияси), 22.00 — Авиаторларнинг меҳнат вахтаси, 22.30 — МОСКВА.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.45 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18/III да Травиата, 19/III да Этиқ нийган мушук (кундузи), Спартак (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/III да Шоҳ Эдип, 19/III да Йўлчи юлдуз (кундузи), Ажал минораси (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА—18/III да Хотинимнинг эри, 19/III да Ҳалима, 20/III да Тошболта ошиқ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Альбина ЗОТОВА раҳбарлигидаги «АФСОНАВИЙ УЛКА» иллюзион аттракционининг гастроллари (кеч соат 7 яримда; шанба кунлари: кундуз соат 3 ва кеч 7 яримда; якшанба кунлари: кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда).

КИНО

Ҳалоскорлик — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Ҳаводаги саргузаштлар — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Катта севги — «СПУТНИК», «МОСКВА» «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Парм ибодатхонаси — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Дарё орти — чегара — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Рустам ҳақида достон — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Журъат — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Софья Грушко — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИ
1972 ЙИЛ МАВСУМИДАГИ КАЛЕНДАРЬ ФУТБОЛ МАТЧЛАРИГА
АБОНЕМЕНТЛАР СОТА БОШЛАДИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА
ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИНИНГ ОРТИҚЧА БУЮМЛАРИНИ УЛГУРЖИ СОТИШ БУЙИЧА
30, 31 мартда
РЕСПУБЛИКА
1, 2 АПРЕЛДА
РЕСПУБЛИКАЛАРАРО ЯРМАРКАЛАРИ УТКАЗИЛАДИ
Барча система ва идоралар қарамоғидаги савдо ташкилотлари ҳамда саноат корхоналарининг вакиллари Марказий «Юбилей» спорт саройи (Университет кўчаси, 41-уй) да ўтказилади.
ЎЗБЕКИСТОН ССР САВДО МИНИСТРЛИГИ «УЗТОРГПОСРЕДКОНТОРА»

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №23, Редактор—336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330085 Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, 337221, Марксизм-ленинизм назариясини пропагачда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334730, Совет қурилиши — 333258, Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451, Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424, Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524, Стенографистка — 337343, Корректура—337162, Эълонлар—338143, Коммутатор—330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 43—85, Бухоро — 3—31—42, Карши — 38—42, Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972, Термиз — 54—01, Урганч — 34—55, Фарғона — 4—29—44.

Б. — 65. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64697. Р. 02296.